O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 18-avgust, chorshanba ● № 33 (684) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

"НИҲОЛ"НИНГ БУ ЙИЛГИ СОҲИБЛАРИ

Танловнинг жорий йилги туман, шаҳар, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги саралаш босқичларида ўн минг нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди.

⇨ 2-бет

ТАЛАБАЛАР ҚАЙСИ НАШРЛАРНИ ЎҚИШМОҚДА?

Бугунги ёшлар газета ўқишаяптими? Агар ўқишаётган бўлса, қайси нашрларни? Шу каби саволларга жавоб топиш илинжида айрим тенгдошларимиз билан суҳбатда бўлдик.

⇨ 4-бет

ШОИРЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

Бугун шеър ёзсанг, елканг оша биров қараб, кузатиб турмайди. Ўзбекман, Ўзбекистон ўғлиман, деб овозинг борича ҳайқиришинг, ёзишинг мумкин. Ижодкорга мана шундан ортиқ шароит бўладими?"

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **12 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Андижон шаҳрида футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этиш тўғрисида"ги қарорга имзо чекди.**

■ 14-15 август кунлари мамлакатимизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. 16 миллиондан зиёд юртдошларимиз иштирок этган мазкур тадбирда 30 минг гектар майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилди, 22 минг километр узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланди, қарийб 14 миллион тупдан зиёд дов-дарахтлар оқланди ва уларга шакл берилди.

■ **12 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, "Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунларнинг лойиҳалари муҳокама этилди.**

Муҳокама чоғида билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда Қонунчилик палатаси ушбу қонунларни қабул қилди. Қонунлар маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

■ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 июлдаги қарорига асосан янги 2010-2011 ўқув йилига пухта тайёргарлик кўриш, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини мактаб анжомлари, ўқув-методик қўлланмалар ҳамда мактаб кийими ва пойабзали билан таъминлаш мақсадида жойларда махсус мактаб бозорлари ва ярмаркалари ташкил этилди.

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

■ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

«ЎХШАШИ ЙЎҚ БУ ГЎЗАЛ БЎСТОН...»



Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида юртимизда юз берган жуда катта ўзгаришларни, демократик янгиланишларни, иқтисодиётимизнинг ривожланганини, ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун деган шиорнинг мазмун ва моҳияти кун сайин кучайиб бораётганини Жиззах вилояти мисолида кўриш нақадар шукуҳли. Воҳада камол топаётган меҳнат аҳли эришилган ютуқларни сарҳисоб айлаб, ёрқин режаларни кўзлаётганини кўриб қувонасан киши.

Ўтган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида вилоятнинг Ғаллаорол, Бахмал, Жиззах туманлари ҳудудида Юртбошимиз ташаббуси билан ҳар томонлама шинам, бахтли ҳаёт кечириш учун қулай бўлган турар жойлар қурилиши бошланган эди. Мустақиллигимиз шарофати билан ҳозир вилоятнинг ҳамма туманларида бошланган бу хайрли иш бу борадаги янги талаблар асосида жадал суръатлар билан давом этмоқда. Ҳовли тўйларини ўтказаётган фуқаролар давлатимиз раҳбарининг олиб бораётган доно сиёсатини маъқулламоқда. Бугун вилоят улкан қурилишлар майдонига айланган. Биргина Жиззах шаҳрида болалар учун қуриб фойдаланишга топшириладиган бинолар анчагина. 90 ўринли юқумли касалликлар шифохонаси, вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази, болалар спорти жамғармаси ҳисобидан қурилаётган санъат мактаби, олимпия захиралари коллежининг сузиш бассейни шулар жумласидандир. Бу Президентимизнинг баркамол авлодга кўрсатаётган ғамхўрлигининг яққол намунаси, албатта. Мустақиллик байрамига атаб бунёд этилган «Истиқлол» болалар боғи кичкинтойларни бағрига чорламоқда. Сангзор дарёсининг суви қувурлар орқали тоғ ён бағирларига кўтарилиб, 32 гектар боғ барпо этилди. 5 та спорт майдони болаларни соғломлаштириш, турли мусобақалар ўтказишга имкон беради. Боғ ҳудудида мўъжазгина темир йўл қурилиб, 3 та вагонни тортадиган болалар паровози ҳаракатга келтирилмоқда. Болалар ҳовузлардаги қайиқларда сайр қиладилар. Чархпалак, турли аттракционлар жажжилар хизматида. Боғнинг ҳайвонот бурчагида ноёб жониворлар парвариш қилиняпти.

Истиқлол йилларида республикамизда, шу жумладан, Жиззах вилоятида ҳам йўллар қуриш, кўприклар барпо этиш борасида кенг қамровли ишлар бажарилди. Вилоят ҳудудидан ўтувчи Тошкент — Термиз, Олмаота — Бишкек йўналишидаги халқаро аҳамиятга эга йўлни қуришда ва таъмирлашда жиззахлик йўлсозларнинг хизмати катта. Бу йўллар равон, халқаро талабларга жавоб беришидан ташқари қўшни давлатлар, Осиё ва Европа ҳудудларига чиқиш имконини ҳам бермоқда. Бу йўллар бунёдкор халқимизнинг бағрикенглигидан дарак бериб турибди.

"Жиззах автойўл" ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат корхонаси раҳбари Холбой Сангиров билан суҳбатлашдик. Аҳил жамоа мустақиллигимизнинг 19 йиллиги шарафига баракали меҳнат қилиб, 2 минг 543 километрлик умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларига хизмат қилиб келаётганини таъкидлади раҳбар. Ўтган давр ичида автомобиль йўлларини таъмирлаш режаларини бекаму кўст уддалаган йўлсозлар 177 миллион сўмлик иш бажарди. Жумладан, Жиззах — Янгиқишлоқ — Қизилча — Қизилқум йўналишида 10 километрлик автомобиль йўли қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Халқаро аҳамиятга эга бўлган «Тошкент — Термиз» автомобиль йўлида 10 километр, шунингдек Янгиер — Дўстлик, Жиззах — Чимқўрғон — Арнасой йўлларида белгиланган режадаги ишлар бажарилди. Янги йўллар қуриш, таъмирлаш ишларини уддалаш учун 13816 тонна иссиқ, 7933 тонна совуқ асфальт, 13 минг 410 кубометр ҳажмида қум-шағал аралашмаси тайёрланиб, режадаги ишлар учун сарфланди. Корхонада янги иш ўринлари яратилди.

Илғор йўлсозлар ҳақида гап кетгудек бўлса, Зомин тумани йўл қуриш бошқармаси жамоаси алоҳида тилга олинади. Улар 405 километр узунликдаги республика, 51 километр узунликдаги халқаро аҳамиятга эга бўлган йўлларни таъмирлаш, янгидан барпо этиш ишларини астойдил бажармоқда.

(Давоми 2-бетда.)

■ ТАДБИР

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказиб келинаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови она юртимиз мадҳ этилган янгидан-янги қўйқўшиқларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Зотан, танловнинг асосий мақсади ҳам ёш авлод қалбида Ватанимизга, саховатли заминимизга меҳр-муҳаббатни янада мустаҳкамлаш, истеъдодли хонандаларни кашф этиш ва қўллаб-қувватлаш, Ватан мавзуида гўзал қўшиқлар яратиш, улардан халқимизни баҳраманд этишдир. Шу тариқа туғилиб ўсган муқаддас гўшамизга садоқат, унинг тақдири учун даҳлдорлик ҳисси билан йўғрилган, мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ва ана шундай қўшиқларни элимизнинг маънавий мулки сифатида ардоқлаш мазкур танловнинг асосий мақсадларидандир.

Қўшиқларда Ватан мадҳи

Пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройида ушбу кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Маълумки, унинг саралаш босқичлари Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ҳамда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси тизимларида ўтказилган эди. Эътироф этиш керакки, "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг санъаткорларимиз орасидаги нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Буни ушбу танловда иштирок этишни истаётганларнинг сони йил сайин ўсиб бораётгани билан ҳам изоҳлаш мумкин.



2 »

■ БУНЁДКОРЛИК

САЙЁРАМИЗДАГИ ЭНГ НОЁБ КОРХОНАЛАРДАН БИРИ

Тепақўтон туз кони негизида барпо этилаётган Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг қайта ишлаш мажмуасида сўнгги қурилиш-монтаж ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, барча технологик ускуна ва жиҳозлар босқичма-босқич синовдан ўтказилянти.

Миқёси жиҳатидан улкан, аҳамияти жиҳатидан эса ўта муҳим саналган бу ишлаб чиқариш объектининг қурилиши бугун биргина юртимизда эмас, балки бутун дунё кимё саноатида рўй бераётган энг диққатга сазовор воқеа ҳисобланади. Зеро, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида аксарият мамлакатларда бошқа кўплаб тармоқлар сингари мазкур соҳа жуда оғир аҳволга тушиб қолган бир пайтда Ўзбекистон маъданли ўғитларнинг учта асосий туридан биттаси — калийли ўғитлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда. Шу тариқа мамлакатимиз ҳам азотли, ҳам фосфорли, ҳам калийли ўғитлар ишлаб чиқариладиган саноқли давлатлар сафидан муносиб ўрин эгаллаянти.

3 »

■ САНА

Маълумки, фуқаро авиациясининг барқарор шаклланиши нафақат йўловчилар узоғини яқин қилишда, балки мамлакатнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий мавқеини юксалтиришда ҳам катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ҳаво кемалари парки 200 та самолёт ва вертолётларни ўз ичига олган. Республика фуқаро авиацияси тизимида, айниқса, истиқлол йилларида улкан ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳаво кемалари паркларини модернизациялаш, янгилаш ҳамда унификация қилиш бўйича Давлат дастури амалга оширилиб келинмоқда, эскирган авиатехника ўрнига замонавий авиалайнерлар сотиб олинмоқда.

Фуқаро авиацияси: масъулият ва ишонч уйғунлиги

Хусусан, Ил-62, Ил-86, Ту-154, Як-40 самолётлари ўрнига жаҳон авиация саноати лидерларининг замонавий, қулай, тежамкор машиналари харид қилинди. А310 самолёти "Ўзбекистон миллий авиакомпанияси" белгиси остида 1993 йил июнь ойида биринчи парвозни амалга оширганди.

Ҳозирги кунда авиакомпания В-767-300ER, В-757-200, А310, RJ-85, ўзимизнинг Ил-114-100 русумидаги самолётлардан фойдаланмоқда. 2010 йил июль ойидан авиакомпания А320 русумидаги самолётларнинг янги туридан фойдаланишни бошлади. Тез орада бундай учоқларнинг умумий миқдори ўнтага етказилиши кўзда тутилмоқда. Миллий ташув буюртмаларида яна тўртта Boeing-767 ҳамда иккита Boeing-787 Dreamliner мавжуд. Бундан ташқари, «Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» (ЧТАИБ) яна иккита Ил-114-100 самолётини етказиб беради.

Ташув ҳажми ҳам йилдан-йилга кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. 2010 йилнинг олти ойи давомида миллий авиакомпания самолётлари 11 620 та қатновни бажарди. Бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 89 та қатнов кўп дегани. Шунингдек, 972 минг 600 йўловчи манзилига етказилган. Бундан ташқари, битта қатновга ўртача йўловчиларни жойлаштириш 74 тадан 84 тагача ошди.

2 »

«ЎХШАШИ ЙЎҚ БУ ГЎЗАЛ БЎСТОН...»

(Бошланиши 1-бетда.)

Шунингдек, 104 километрлик вилоят аҳамиятидаги йўлларни назорат қилмоқда. Шу ҳудудда Зомин санаторийси, меҳнаткашлар дам оладиган "Миллий халқ боғи"нинг жойлашгани йўлсозларни ўз ишларига янада масъулият билан қарашга ундайди. Бошқарма тасарруфида ўз асфальт заводининг борлиги, етарлича техника ва ишчи кучининг мавжудлиги ана шундай ютуқларга асос бўляпти.

Вилоятнинг янгидан-янги муваффақиятларга эришишида маҳаллаларда олиб бораётган жуда катта ташкилотчилик ҳамда тарбиявий ишларнинг таъсири бор. "Маҳалла" жамғармаси фаоллари энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 19 йиллигига тайёргарлик кўришда, бу борада Юртбошимиз кўрсатмаларини амалга оширишда, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ўзларини яна бир бор намойиш этдилар.

— Мустақиллигимиз байрами арафасида янги бинода иш бошладик, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг Ғаллаорол туман бўлими раиси Бахтиёр Анорбоев. — Маҳаллаларимизда хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, кўплаб байрам тадбирларини ўтказиш, эҳтиёжманд кишиларнинг ҳолидан хабар олиш яхши йўлга қўйилган. «Мустақиллик — улуғ неъмат», «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзуларида учрашувлар ташкил этилмоқда.

Маҳаллаларнинг ишини давр талаблари даражасига кўтариш уларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш зарурлиги «Маҳалла» жамғармаси вилоят бошқарувининг ҳамиша диққат марказида турибди. Бошқарув раиси Муқимжон Ҳасановнинг таъкидлашича, мустақиллик байрамини кенг нишонлаш олдидан мавжуд маҳаллаларнинг бинолари тўлиқ таъмирланди. Мирзачўл туманидаги «Ғалаба», «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғинлари учун янги бинолар қуриб берилди. Маҳаллалар зарур компьютер жамланмалари, замонавий мебеллар билан жиҳозланди.

Жиззах вилоят ҳокимлиги фуқароларнинг шахсий томорқа хўжалигидан самарали фойдаланиб, маҳсулот етиштиришида ҳамиша амалий кўмак бериб келмоқда. Бугунги кунда шахсий томорқа хўжалигини ривожлантириш учун 17 минг гектар ернинг улар ихтиёрига бериб қўйилгани фикримизнинг далилидир. Зарур техника, хомашё, уруғ билан таъминлаш ўз натижасини бераяпти. Вилоят бозорларининг расталари шахсий томорқа хўжаликлари етиштирган маҳсулотлар ҳисобига тўкин. Шахсий ёрдамчи хўжаликлар балиқчилик, асаларичилик, паррандачилик маҳсулотлари етиштираётгани айниқса қувонарлидир. Бу борада Бахмал, Зомин, Ғаллаорол туманлари меҳнат аҳли ҳақида ижобий фикрлар айтса бўлади. Бозорларни шифобахш тоғ асали билан тўкин қилишда бахмаллик Саидмурод Дўстмуродов, Равшан Усмонқуловнинг хизматлари катта.

Вилоятда аёллар меҳнатини қадрлаш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, улар томонидан ташкил этилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик шохобчаларининг банклар томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши ўзининг самарали натижасини бермоқда. Пировардида халқимизнинг азалий қадриятларидан бири — ҳунармандчилик яхши ривожланмоқда. Касаначиликка кенг йўл очилаяпти.

— Чевар аёлларимиз бисер-мунчоқлардан ноёб санъат дурдоналарини яратмоқдалар, — дейди вилоят ҳунарманд аёллар уюшмаси ижрочи раҳбари Мавлуда Жабборова. — Биз тайёрлаган маҳсулотлар Япония, Германия сингари юксак тараққий этган давлатларнинг кўргазмаларида намойиш этилди. Ўзбек аёлининг санъатига хорижликлар ҳам қойил қолмоқда. Вилоятнинг туманларида уйда фаолият олиб борадиган аёллар учун касаначилик юмушлари жорий этилган. Уларнинг сафи йил сайин кенгайиб бормоқда.

Жиззах вилоятини гуллар диёри десак, адашмаймиз. Марказдан узоқда жойлашган тоғ ҳудудларидаги йўл ёқаларига ҳам гуллар экилган. Ундан таралаётган хушбўй ҳидлар қалбларда гўзаллик ҳисларини уйғотади. Шаҳар ва туман марказларида истироҳат боғлари, мусаффо масканлар бунёд этилмоқда. Табиатимизга мос, сермаҳсул дарахт кўчатлари экилиб, парвариш қилинмоқда.

Мухтасар айтганда жиззахликлар қалбида ҳам истиқлолга чексиз меҳр илдиз отиб, кўнгилларни мунаввар қилмоқда. Уларнинг бугунги кундан мамнун эканининг, эртанги кунга комил ишонч билан қараётганининг, тилларидан шукроналик тушмаётганининг сабаби ҳам шунда!

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Hurriyat» мухбири

"НИҲОЛ"НИНГ БУ ЙИЛГИ СОҲИБЛАРИ

«Истиқлол» саройида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёш истеъдодларни кашф этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилган "Ниҳол" мукофотининг 2010 йилги соҳибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, санъат ихлосмандлари, мусиқа соҳасида изланаётган ёшлар, уларнинг устоз-мураббийлари, ота-оналари, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Ҳар йили "Ниҳол" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичлари юқори савияда, байрамона руҳда, айни пайтда қатъий бадиий талаб ва мезонлар асосида ўтказилаётгани, унда иштирок этиш истагидаги ёшлар сафи кенгаяётгани «Ниҳол» мукофотининг нуфузи ошиб бораётганидан далолатдир. Жумладан, танловнинг жорий йилги туман, шаҳар, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги саралаш босқичларида ўн минг нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди.

Ушбу мукофот учун ўтказилган танлов эстрада санъати, мусиқа ижрочилиги, мумтоз қўшиқ, опера ижрочилиги, рақс санъати йўналишларида бир неча босқичда ўтказилди. Айни пайтда чекка ҳудудлардаги ёш истеъдодларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилиб, жойларда мукофот учун саралаш кўрик-танловлари кенг жамоатчилик муҳокамаси асосида қизғин ва кўтаринки руҳда ўтди.

2010 йилда «Ниҳол» мукофотига мумтоз қўшиқчилик йўналиши бўйича Лола Махаматдинова, Жанибек Пиязов (Қорақалпоғистон Республикаси), Рўзихон Нурматова (Андижон вилояти), Юлдуз Турдиева (Бухоро вилояти), Сайёра Маматқулова (Фарғона вилояти), эстрада санъати йўналиши бўйича Малика Эгамбердиева (Наманган вилояти), Мадинабону Мусаева, «Дурдона» гуруҳи (Тошкент шаҳри), опера ижрочилиги бўйича Маъсумахон Болтабоева, Барнохон Исматуллаева (Тошкент шаҳри), рақс санъати йўналиши бўйича Нигина Шорахметова (Тошкент шаҳри), Дилноза Ортиқова (Хоразм вилояти) лойиқ топилди. Тадбирда совриндорларга мукофотлар тантанали тарзда топширилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этдилар.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat"мухбири

СИФАТ — АСОСИЙ МАҚСАД

Навоий вилоятида қўшма корхоналар кўпчиликни ташкил этади. Улар ичида, айниқса, «Бентанит» маҳсулот тури ўзининг сифати ва аҳамияти билан ажралиб туради.

Швейцария давлатининг тўғридан-тўғри инвестицияси асосида ишга туширилган қўшма корхона бентанит кукунини ишлаб чиқаради. Асосан қурилишда қулуқларни қазиш, уларни мустаҳкамлашда ишлатиладиган бу маҳсулот фойдаланишга қулайлиги ва арзонлиги билан жаҳон бозорида харидоргир саналади.

Бир нечта хорижий давлатлар билан шартнома имзолаган корхона жорий йилнинг ўттан даврида 51 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотни экспорт қилишга эришди.

Ўткир ЎСАРОВ,
«Hurriyat» мухбири

ЯНГИ ЛУҒАТ

Асрий анъаналарни ўзида мужассам қилган Хоразм санъати ўзига хос тарихга эга. Хоразмликларга хос амалий санъат намуналарини воҳанинг турли ҳудудларида учратиш мумкин. Хусусан, музей-шаҳар Хиванинг ўзида халқ амалий санъати дурдоналарининг юзлаб тури мавжуд. Тарихий обидалар, турли зебу зийнатлар, зардўзлик буюмлари ва бошқалар алоҳида ажралиб туради. Халқ миллий санъати соҳасида махсус атамалар луғатини яратиш олимлар, соҳа мутахассислари томонидан кун тартибга қўйилганига анча бўлди. Бу борада Хивадаги Ичан қалъа музей-қўриқхонасининг «Хоразм миллий санъати» бўлими мудири Одилбек Иброҳимов савоб ишга қўл урди. Узоқ илмий изланишлардан сўнг унинг «Амалий санъат атамалари» луғати дунёга келди. Луғатда халқ амалий санъатининг мисгарлик, кулолчилик, тошгаронлик, зардўзлик, каштадўзлик, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик каби турлари, касбларга доир атамаларнинг изоҳи берилган. Луғат талабалар, ОАВ ходимлари, ўқитувчиларга мўлжалланган.

Тўлабой РАҲИМБОЕВ,
«Hurriyat» мухбири

КАСАНАЧИЛИК — ДАРОМАД ОМИЛИ

Касаначиликни ривожлантириш ҳозирги кунинг долзарб вазифаларидан бири эканини Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл тумани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Туманда 2010 йилнинг ўттан ойларида янгидан 100 нафар қиз-жувон касаначилик билан банд бўлишди. Умуман жорий йил бошидан буён туманда жами 800 дан зиёд янги иш ўринлари вужудга келтирилди. Асосан ёшларнинг ўз ихтисослари бўйича турли касбларда фаолият юрита бошлагани қувончлидир. Бандлик масаласига туман раҳбарлари доимий эътибор беришаётгани таҳсинга сазовор.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
«Hurriyat» мухбири

2010 ЙИЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

Фуқаро авиацияси: масъулият ва ишонч уйғунлиги

(Бошланиши 1-бетда.)

Ўтган йилга нисбатан юк ташиш ҳажми ҳам икки ярим бараварга ошди. 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида 22,6 минг тонна юк ташиб берилди. Булардан 11,7 минг тонна юк А300-600 самолётларида Навоийдан Деҳли, Мумбай ва Бангкок йўналишлари бўйича ташилган. 2010 йилнинг март ҳамда май ойларида бу қатновларга яна иккита: Навоий — Франкфурт ва Навоий — Дакка йўналишлари ҳам қўшилди.

Вилоятлардаги аэропортларининг таъмирланиши, қурилиши ҳамда модернизацияси ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Ҳаво транспортида фаолият юритиш юқори масъулиятни, чуқур билимни, энг оғир шароитларда ҳал қилувчи қарорларни қабул қила олишни талаб қилувчи ҳар кунлик фидокорона меҳнатдир. Учувчи, муҳандис, техник, ер хизмати касбий маҳоратига нафақат парвозлар хавфсизлиги ва ҳаво паркининг техник созлиги, балки ёнғинга қарши муҳофаза, узоқ туманларнинг авария-қутқарув ва тиббий таъминоти, мамлакат учун ижтимоий аҳамиятга молик топшириқларни бажаришга ҳам боғлиқдир.

Авиатаркибнинг барча эътибори парвозлар хавфсизлиги ҳамда ишончлилиги таъминотига, авиаташувнинг доимийлиги ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятининг юқори савиясига қаратилгандир. Барча ходимларнинг ўз вазифаларига ўта масъулиятли ёндашиши боис миллий фуқаро авиациямиз доимо мамлакатимизнинг ғурури бўлиб келмоқда.

Юртимизда бошқа касб байрамлари каби Ҳаво флоти куни ҳам бир неча йилдан бери кенг нишонланиб келинади. Бу байрам Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августдаги Қонуни асосида ҳар йили август ойининг учинчи якшанбасида нишонланади. 2010 йилда бу байрамни нишонлаш 15 август кунига тўғри келди.

Фурсатдан фойдаланиб, соҳа ходимларини ана шу касб байрами билан қутлаймиз.

Ислом СУЛТОНОВ

«НАВҚИРОН ЎЗБЕКИСТОН» ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ

Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллик байрами арафасида жойларда ўтказилаётган ранг-баранг тадбирлар, анжуманлар, фестивалар эл-юртимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанга меҳр ва садоқат туйғуларини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган "Навқирон Ўзбекистон — 2010" анъанавий ва замонавий санъат фестивали бунинг далилидир.

Шу муносабат билан ушбу муҳташам саройга тасвирий санъатнинг турли йўналишларида фаолият олиб бораётган ижодкорлар, санъатшунослар, устоз ва мураббийлар, талаба-ёшлар, ота-оналар ташриф буюрди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлод камолоти ва истиқболи, таълим-тарбияси, маънавияти ҳақида доимий ғамхўрлик кўрсатиш барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг пировард мақсадини ташкил этади. Бу борада Президентимиз томонидан қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар, давлат дастурлари ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жаҳон андозалари даражасида билим олиши, жисмонан ва маънан баркамол инсон бўлиб вояга етиши, касб-ҳунар эгаллаши, илм-фан, маданият ва санъат, спорт каби соҳаларда янгидан-янги марраларни эгаллашида муҳим омил бўлмоқда.

Юртимизда барпо этилаётган санъат масканлари, галереялар, кўргазма заллари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, бадиий ижодиёт марказлари тасвирий санъатни изчил ривожлантириш, қобилиятли ёшларни аниқлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, йигит-қизларни санъатнинг энг юксак намуналаридан баҳраманд этиш имконини бермоқда.

Анъанавий тарзда ўтказилаётган «Навқирон Ўзбекистон» санъат фестивалидан кўзланган асосий мақсад ёш авлод истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва бадиий диди, тафаккурини юксалтириш, халқимиз, кенг жамоатчиликни ёш мусаввирларнинг ижоди, улар эришган ютуқлар, мазкур соҳадаги янгиликлар билан атрофлича таништиришдан иборатдир. Айни пайтда ушбу фестиваль рассомликнинг турли услуб ва жанрларида изланаётган ижодкор ёшларнинг фаолиятини атрофлича таҳлил этишда муҳим ўрин тутади.

Фестиваль доирасида ташкил этилган кўргазмада тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, фотография, инсталляция, халқ амалий санъатининг турли йўналишларида ижод қилаётган уч юздан ортиқ ёшларнинг энг сара ижод намуналари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

— Жонажон Ўзбекистонимиз истеъдодлар диёри, унда ҳар бир қобилиятли йигит-қиз доимий эътибор ва эъзозда экани биз, ёшларни жуда руҳлантиради, — дейди Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг дизайн факультети талабаси Беҳзод Мамарайимов. — Бундай санъат фестивалида иштирок этиш биз учун катта шарафдир. Айни пайтда бу улкан ишонч бизни масъулиятни астойдил ҳис этишга, кўрсатилаётган меҳр ва эъзозга лойиқ бўлишга ундайди.

Санъат фестивали ёрқин ва ранг-баранг тадбирларга бой. Фестиваль доирасида устоз мусаввирлар, ҳайкалтарошлар, етакчи санъатшунос олимлар иштирокида маҳорат сабоқлари, ўқув семинарлари, тақдимот маросимлари ўтказилиши кўзда тутилган. Айни пайтда турли жанр ва услубларда самарали изланаётган ғолиб ижодкорлар аниқланади. Фестиваль доирасида ташкил этилган кўргазма 16 сентябргача давом этади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Қўшиқларда Ватан мадҳи

(Бошланиши 1-бетда.)

Танловда ўтган йили юртимизнинг турли туман, шаҳар ва қишлоқларидан 49 мингдан зиёд номзод қатнашган бўлса, жорий йилда 183 мингдан зиёд иштирокчилар ўзаро беллашишди. Шундан 40 нафар яккахон иштирокчи ва бешта жамоа кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашиш имкониятини қўлга киритди. Танловда тажрибали ҳакамлар ҳайъати ижро этилган қўшиқларни уч томонлама: матн мазмуни, куйнинг жозибаси ва ижро услубини инобатга олиб, таҳлил этишди ва баҳолашди.

— Биз — "Жайҳун" фольклор-этнографик дастаси аъзолари ушбу кўрик-танловга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидан қатнашдик. Биз учун танловнинг саралаш босқичи кўтаринки руҳда ўтган бўлса, якуний босқичда "Ватан мадҳи" номли қўшиғимизни куйладик, — дейди Термиз давлат университети педагогика факультети мусиқий таълим йўналиши магистранти, хонанда Юлдуз Хурсандова. — Бу танлов биз каби ёш хонандаларга янги ижодий парвозлар учун қанот бағишлайди. Она юртимизга бўлган чексиз севгимизни куйга солиб, жўр овозда хониш қилишимиз учун кўтаринки руҳ берди. Зотан, Ватан ҳақида шунчаки куйлаб бўлмайди. Қолаверса, юракдан куйланган қўшиққина халқ меҳрига лойиқдир.

— Чиндан ҳам, тенгсиз Ватан, гўзал юрт, жаннатмонанд диёримиз — Ўзбекистон ҳақида ҳар қанча куйланса-да кам. Шу Ватаннинг бир фарзанди сифатида қўлимга соз олиб, туғилиб ўсган юртимни куйлаш бахтига эга эканимдан бахтиёрман, — дейди танловнинг яна бир иштирокчиси Очил бахши Чоршанбиев. — Бу юртнинг ҳар бир боласи ё шоир, ё бахши. Чунки шу гўзал диёрда яшаб, унинг неъматларидан баҳраманд бўлиб, уни мадҳ этмаслик мумкин эмас. Куйлаганда ҳам бор жон-у, танимиз билан яйраб куйлаймиз.

Дарҳақиқат, Ватан ҳақида жўшиб куйлаш қалбида юрт ишқи туғён уриб турган ҳар бир хонанданинг орзусидир. "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови эса ана шу орзуларнинг рўёбга чиқишига имкон бераётир, десак муболаға бўлмайди.

Танловнинг ғолиб ва совриндорлари энг улуғ, энг азиз айёмимиз — Мустақилликка эришганимизнинг 19 йиллиги байрами арафасида эълон қилинади.

Зухал РЎЗИЕВА

САЙЁРАМИЗДАГИ ЭНГ НОЁБ КОРХОНАЛАРДАН БИРИ

(Бошланиши 1-бетда.)

КАЛИЙ КОНИ ФОЙДАДИР

— Азотли ўғит экинни ўстирса, фосфорлиси ҳосилни кўпайтиради, калийли ўғит эса ана шу ҳосил сифатини яхшилаб, ўсимликнинг иссиқ ва совуққа ҳамда сувсизликка чидамлилиги ва ҳашаротларга бардошлилигини оширади, — дейди қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Исматилла Эрназаров. — Масалан, гўзага етарли миқдорда калийли ўғитлар берилса, пахтанинг толаси узун ва бақувват бўлади, чигитининг ёғи кўпаяди. Аксинча, экин калийли ўғитлар билан озиқлантирилмаса, у ерга солинган бошқа маъданли ўғитларни ҳам тўлиқ ўзлаштира олмайди. Етиштирилаётган маҳсулотнинг озуқавий қиймати паст бўлади, ранги ва таъми ҳам кўнгилдагидек чиқмайди.

Олим Ўзбекистонда "Фарғонаазот" ва "Навоийазот" каби йирик корхоналарда азотли ўғитлар, фосфорлиси эса Жанубий Қизилқумдаги фосфорит конларида етарлича ишлаб чиқарилаётганини таъкидлар экан, калийли ўғитлар тақчиллиги ҳақида афсус билан гапиради.

— Калий юртимизга Беларусдан ёки Россиянинг Урал ўлкасидан олиб келинади. Аммо кейинги йилларда унинг жаҳон бозоридаги нархи кескин ошиб кетгани боис таъминот анчагина сусайган, — дейди И.Эрназаров. — Шунинг учун ҳам калийли ўғитларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилиши бир томондан ерларимизнинг унумдорлигини қарийб 50 фоизга оширса, иккинчи томондан, катта миқдордаги валютани тежаш имконини беради. Чунки Деҳқонободда завод қуриб битказилгач, ўғитни четдан харид қилишга ҳожат қолмайди. Ўзимизда ишлаб чиқарилади, ортганини эса Марказий Осиёдаги, хориждаги мамлакатлар жон-жон деб сотиб олишади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, мамлакат қишлоқ хўжалигининг калийли ўғитларга бўлган бир йиллик эҳтиёжи 110 минг тоннани ташкил қилади. Ваҳоланки Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи биринчи босқичининг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 200 минг тоннага тенг бўлади. Демак, янги корхона маҳсулотининг 45 фоизини жаҳон бозорида сотиш имкони туғилади.

IFA — маъданли ўғитлар ишлаб чиқарувчилар халқаро ассоциациясининг маълумотларига кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли ўтган йили калийли ўғитларнинг нархи бироз пасайган бўлса-да, жорий йилнинг биринчи чорагида уларнинг баҳоси олдинги йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар ошди. Тадқиқотларда қайд этилишича, 2012 йилга қадар калийли ўғитларнинг жаҳон бозоридаги баҳоси ҳар йили ўртача 6 фоизга ошиб боради, 2012-2013 йилларда эса нархларнинг ўсиш суръати йилига камида 3 фоизни ташкил қилади.

ТЕНГИ ЙЎҚ ХАЗИНА

Қизиқ бир ҳолат: юртимиз калий тузлари (сильвинит) захираси бўйича дунёда энг етакчи ўринлардан бирида турса-да, яқин кунларгача биз уларни қазиб олишнинг уддасидан чиқа олмасдик. Зеро, биргина Тепақўтон туз кони хазинасида 215 миллион тоннадан ортиқ сильвинит бўлишига қарамай, тоғ остида 250-700 метр чуқурликда ётган калий тузлари қатламигача



етиб боришнинг сираям иложи йўқ эди. Бироқ Юртбошимиз ташаббуси билан бу ишга муайян миқдорда маблағ ажратилиб, тажрибали лойиҳачилар ва пудратчилар ҳамда энг замонавий технологиялар жалб қилингач Тепақўтон бағридаги хазинани қўлга киритиш учун зарур шароитлар яратилди.

— Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг ноёблиги ҳақида гапирадиган бўлсак, биринчи навбатда рудник (тоғ-кон мажмуаси)нинг бетакрорлигини эътироф этиш жоиздир, — дейди Россия Федерациясидаги ғарбий Урал машинасозлик концерни ва унинг таркибидаги "ЗУМК-инжиниринг" масъулияти чекланган жамияти бош директори Александр Поздеев. — Зеро бу тоғ-кон мажмуасида калийли тузлар қатламига етиб бориш учун жаҳонда биринчи марта вертикал эмас, балки қия лаҳмлар қазилган. Бунинг учун дунёда турдош механизм "Урал-20Р" тоғ-кон комбайнлари ҳамда ўзиюрар вагонлар ва бункерлар, бошқа махсус техникалардан фойдаланилган. Натижада қурилиш бошланишидан атиги икки йил ўтгач, кондан илк саноат рудаси олинди. Ваҳоланки бошқа мамлакатларда ўзлаштирилиши анча осон кечадиган конларда ҳам рудага етиб бориш учун беш-олти йиллаб вақт сарфланади.

Қиймати 56 миллион доллар, майдони эса 80 гектарни ташкил қиладиган тоғ-кон мажмуасида маъмурий-маиший корпус, таъмирлаш-механика цехи, тоғ-қутқарув хизмати бинолари, ёнилғи қуйиш шохобчаси, гараж ва сейсмик таъсирларга бардошли бошқа иншоотлар ҳам барпо қилинган. Энг муҳими, тоғ-кон мажмуасидаги бунёдкорликнинг асосий қисми юртимизнинг моҳир қурувчилари томонидан амалга оширилган бўлиб, ҳозир ҳам мажмуадаги деярли барча ишларни Россиянинг Пермь вилояти Солекамск шаҳридаги "Сильвинит" корхонасида амалиёт ўтаган маҳаллий мутахассислар ва улардан тажриба ўрганаётган ёш кадрлар бажаряпти.

— Дунёдаги бошқа бирон мамлакат тоғларида сильвинит қатлами йўқ! Бўлса ҳам ўзлаштирилмаган, — дея гапида давом этади А.Поздеев. — Бундай қатлам Ўзбекистонда бор экан. Аммо уни ўзлаштириш ўта қийин вазифа бўлишига қарамай, Ўзбекистон бунга эришди. Очилган қатламлар ҳажми ҳам, руда таркибидаги калий миқдори ҳам кутилгандан кўпроқ экан. Шу жиҳатдан дунёда унга фақат Канададаги сильвинит тенг кела олади. Қатлам рельефи тоғ рельефини такрорлагани боис уни ўзлаштиришда мураккабликлар кўп, бироқ қандай бўлмасин шу йилнинг охиригача тоғ-кон мажмуасидан қайта ишлаш мажмуасига 200 минг тонна хомашё етказиб берилади. Келгуси йилда эса қайта ишлашга 700 минг тонна калий тузлари жўнатилади.

Россиялик мутахассис мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг изчиллиги ва узвий боғлиқлиги ҳақида гапирар экан, бунга мисол тариқасида минтақада барпо қилинган Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлининг янги корхона қурилишида жуда асқотаётганини эътироф этди. Шунингдек, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг қувватини икки баравар ошириш ва иккинчи босқичининг қурилишини бошлаш ҳақидаги қарор ҳам ўз вақтида қабул қилинганини таъкидлади.

— Завод иккинчи босқичининг қурилиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг ортиши ва табиийки, унинг таннархининг камайишига, пировардида эса жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигининг ошишига олиб келади, — дейди у.

МУҲИМ САНА АРАФАСИДА

Бевосита Тепақўтон бағридаги тоғ-кон мажмуасидан калийли тузлар оғир самосвалларда Деҳқонобод темир йўл бекати яқинидаги қайта ишлаш мажмуасига етказилади. Бунинг учун аллақачон юкхонаси сиғими 18 кубометрга тенг, 25 тонна юк ташишга қодир 36 та "МАЗ" русумли қудратли автомобиль ҳозирланиб, улар ёрдамида мажмуанинг руда сақлаш омборига 550 тонна хомашё келтириб қўйилди. Тез орада ундан калийли ўғитлар ишлаб чиқарила бошланади. Ҳозирча эса умумий қиймати 43,9 миллион долларга тенг бу мажмуада сўнгги қурилиш-монтаж ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, технологик ускуналар босқичма-босқич синовдан ўтказиляпти. Бу жараёнлар объект қурилишининг бош пудратчиси — Хитойнинг "CITIC" компанияси билан бир қаторда ёрдамчи пудратчи ташкилотлар вакиллари ҳамда заводнинг маҳаллий ишчи ва мутахассислари иштирокида бажариляпти.

Асосий ишлаб чиқариш корпусидаги технологик қурилмалар синовида қатнашаётган юртимиз мутахассисларидан бирини ёнимиздаги йирик ускунага таъриф беришга чорладик. Мажмуанинг синфларга ажратиш ва материалларни узатиб бериш оператори, Деҳқонобод туманидаги Қизилча қишлоғида яшовчи Шодмон Ортиқов бир сония ҳам ўйлаб ўтирмасдан жавоб қайтаради:

— Бу пульпани (руданинг аралашмасини — Б.Т.) 1 миллиметрлик ҳолатга келгунича намлаб майдалаш учун мўлжалланган стерженли тегирмондир. Ушбу тегирмон барабанининг диаметри 270 сантиметр, узунлиги эса 360 сантиметрга тенг. Ичига солинадиган стерженларнинг максимал ҳажми 51 тонна. Бу қурилма Хитой Халқ Республикасининг Шэньянь оғир машинасозлик компанияси томонидан ишлаб чиқарилиб, темир йўл орқали Деҳқонобод бекатигача етказиб берилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қайта ишлаш мажмуасининг ишчи ва мутахассислари асосан маҳаллий ёшлар сафидан сараланиб, уларнинг 25 нафари Солегорск шаҳридаги йирик "Беларусь калий" корхонасида тажриба ва кўникмалар орттириб қайтган. Кейин эса олган билимларини ўз ишхонасининг бўлим ва цехларида ишлайдиган жамоадошларига ўргатишган.

— Қайта ишлаш мажмуасида Хитойнинг кўплаб компанияларида ишлаб чиқарилган турли ускуна ва жиҳозлар билан бир қаторда айнан Солегорск шаҳридаги "Литейно-механический завод" корхонаси томонидан етказиб берилган флотацион машиналар ўрнатилган, — дейди Деҳқонобод туманидаги Чучуккудуқ қишлоғида туғилиб ўсган малакали мутахассис, заводнинг бош муҳандиси Баҳодир Бойназаров. — Шу кунларда барча технологик қурилмалар сув билан айлантириб кўриш усулида синовдан ўтказиляпти. Шу жараён муваффақиятли якунланганидан сўнг қурилмаларга сув ўрнида тузларга тўйинган суюқлик узатилади ва маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Бош муҳандис қайта ишлаш мажмуасидаги қурилиш-монтаж ва ободонлаштириш ишларини якунлаш учун ёрдамга "Ўзкимёсаноат" компанияси таркибидаги "Максам-Чирчиқ", "Навоийазот", "Фарғонаазот" ҳамда бошқа турдош корхоналарнинг вакиллари ва техникаси етиб келганини миннатдорлик билан таъкидлади. Шу сўзларнинг ўзидан ҳам Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг ишга туширилиши мамлакатимиз учун нақадар муҳимлигини англаш қийин эмас. Зеро, бу завод заминимизни ҳар томонлама бойитишга хизмат қилади. Шу маънода, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи мустақилликнинг бебаҳо мўъжизаси, десак асло хато қилмаймиз.

Ботир ТЕМИРОВ

Суратда: *операторлар Ш.Ортиқов ва А.Алланазаров замонавий ускуна ва жиҳозларни бошқаришади.*

АДЛИЯ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ — АСОСИЙ ВАЗИФА

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида етарли ҳуқуқий асослар яратилган. Бу борада суд-ҳуқуқ идоралари, жумладан, Адлия вазирлиги ва унинг бошқармалари зиммасига ҳам катта масъулият юклатилган. Наманган вилояти адлия бошқармаси бошлиғи Ш.МАҲМУДОВ *билан суҳбатимиз ана шу масъулиятдан келиб чиқадиган вазифалар хусусида бўлди.*

— Шерали Ҳайитович, суҳбатимиз аввалида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бошқарма томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталсангиз.

— Аввало, шуни таъкидлаш керакки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири. Шу боис бу бордаги ишларимизни қатъий режа асосида ташкил этганмиз. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида Учқўрғон, Косонсой ва Чортоқ туманларида давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органларининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг иш режасига асосан, вилоят халқ таълими бошқармаси ва унинг шаҳар, туман бўлимлари, жами 29 та идора, ташкилот ва муассасалар иш фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларига қай даражада риоя қилиниши ўрганиб чиқилди.

Бу жараёнда аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан турли идора, ташкилот ва муассасаларга 30 та тақдимнома ҳамда қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан прокуратура идораларига битта маъмурий таклиф киритилди ва бир нафар шахсга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилди.

Кўрилган таъсир чоралари натижасига кўра, жами 49 нафар мансабдор шахс интизомий жазога тортилди. Шундан уч нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Бир нафар мансабдор шахс маъмурий жаримага тортилди ва битта ноқонуний буйруқ бекор қилинди. Хусусан, жиноят ишлари бўйича Учқўрғон туман судининг 2010 йил 21 январдаги маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги қарорига асосан, Учқўрғон туман ҳокимилигининг мутахассиси Я.Эшонходжаевга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасига асосан жарима жазоси тайинланди.

— Фуқароларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб ёзган ариза ва шикоятлари ёки «Ишонч телефони» орқали қилган мурожаатлари қандай ҳал этилмоқда?

— Фуқаролардан келаётган ҳар бир ариза, шикоят ёки «Ишонч телефони» орқали қилган мурожаатларининг бирортаси эътибордан четда қолаётгани йўқ. Негаки, хат ортида инсон бор, уларнинг тақдирига бефарқ қараб бўлмайди. Масалан, вилоят адлия бошқармасига Норин маиший хизмат ва компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежининг уч нафар ўқитувчисидан ўзларининг ноқонуний ишдан бўшатилгани ҳақида шикоят келиб тушди. Ўрганиш натижасида мазкур коллеж раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг бир қатор моддаларидаги талаблар қўпол равишда бузилгани аниқланди.

Адлия бошқармаси томонидан аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан вилоят ҳокимлигининг ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармасига тақдимнома киритилди. Натижада ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан касб-ҳунар коллежи директорининг буйруғи бекор қилинди ва ариза муаллифлари ўз иш жойларига қайта тикланди. Қонун бузилишига йўл қўйган коллеж директори З.Юсуповга эса «ҳайфсан» интизомий жазо чораси қўлланилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Умумлаштириб айтадиган бўлсак, 2010 йилнинг биринчи чорагида адлия бошқармасига фуқаролардан ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб 169 та ариза ва шикоят ҳамда «Ишонч телефони»га 19 та мурожаат келиб тушди. Вилоятдаги ҳуқуқ-тартибот идоралари билан яқин ҳамкорликда иш олиб борганимиз боис, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

— Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, тушунтириш ишлари қандай йўлга қўйилган?

— Бошқармамиз томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 370-сонли қарорига асосан, аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига доир ҳуқуқий билимларини ошириш ҳамда жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ғоясини тарғиб қилиш бўйича илмий анжуманлар, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилиб, оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда чиқишлар қилиб келинмоқда.

Бундан ташқари, вилоят адлия бошқармаси томонидан 2010 йил давомида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларини аҳоли ўртасида доимий равишда тарғиб қилиш мақсадида «Фуқаролар билан учрашувлар» режаси ишлаб чиқилган. Ушбу режага мувофиқ айни кунларда вилоятнинг барча туманларида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда инсон ҳуқуқларига оид бошқа қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар моҳиятини аҳолига кенг тушунтириш бўйича учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари мунтазам равишда ўтказиб борилмоқда.

Абдуҳошим МАДАТОВ суҳбатлашди

САРҲИСОБ

Давлатимиз раҳбари томонидан жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асоссиз чекланишига йўл қўймаслик мақсадида 2005 йил 14 июнда «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинган. Бу ўз навбатида ҳисоботлар ҳажмининг камайиши ва асосий вақтни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш имконини бермоқда.

Солиқлар тўлови — юрт фаровонлиги гарови

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан солиқ интизомини мустаҳкамлаш, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг бюджетга тўлиқ тушишини таъминлаш, ўз вақтида тўланмаган тўловларни, давлатга етказилган зарарларни ундириш ҳамда валютага оид жиноят ва ҳуқуқ бузилиши ҳолатларига қарши курашиш мақсадида ўтказилган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2010 йилнинг I ярим йиллигида 1 млрд. 511 млн. 445 минг сўм маблағлар давлат ҳисобига ундирилди.

Қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида 1 млрд. 882 млн. 547 минг сўмлик қўшимча солиқ ҳисобланиб, шундан 1 млрд. 182 млн. 375 минг сўми ундирилди ва 205 млн. 677 минг сўмлик молиявий жарималар қўлланилиб, шундан 81 млн. 155 минг сўмининг ундарилиши таъминланди.

Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини аниқлаш борасида ўтказилган тадбирлар натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига нисбатан 74 та жиноят иши қўзғатилди.

Бошқарма томонидан халқ хўжалигининг барча соҳаларида даромадни яшириш, сотилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ҳажмини пасайтириш, «хуфёна иқтисод» фаолият кўрсатиши ҳолатларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш мақсадида амалга оширилган зарурий чора-тадбирлар давомида 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида 26 та ҳолатда юридик ва жисмоний шахслар томонидан ҳовлиларда ҳамда бошқа ёрдамчи хўжаликларда ноқонуний тарзда фаолият кўрсатаётган яширин цехлар аниқланиб, 25 та жиноят ва 1 та маъмурий иш қўзғатилди, улардан жами 28 млн. 266 минг сўмлик истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар ва ускуналар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Ушбу аниқланган 26 та яширин цехнинг 2 таси алкогол маҳсулотлари, 14 таси яширин равишда ёғ ишлаб чиқарувчи мойжувозлар, 9 таси бошқа турдаги ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва 1 таси озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқрувчи цехлардир.

Р.ТУРСУНҚУЛОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖҲДЛҚК департаментининг Сурхондарё вилояти бошқармаси катта инспектори

УНУТИЛМАС СИЙМОЛАР

«ҲУРРИЯТ» МУҲАРРИРЛАРИДАН БИРИ...

Сўнгги йилларда миллатпарвар адиб Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида анчагина материаллар эълон қилинди. Унинг "Танланган асарлари" икки бора нашр этилди. Шунингдек, унинг сафдошлари Саидаҳмад Ажзий, Саидаҳмад Васлий, Ҳожи Муъиновнинг танланган асарлари чоп этилди, улар ҳақида анчагина мақолалар, рисолалар эълон қилинди. Аммо Беҳбудий билан бирга қатл этилган "Ҳуррият" газетасининг дастлабки муҳаррирларидан бири Мардонқули Шомуҳамедов ва унинг садоши Муҳаммадқули Ўринбой ўғли ҳақида шу кунгача битта-иккита мақолани ҳисобга олмаса, деярли маълумот йўқ. Ёлғиз Ҳожи Муиннинг 1923 йил 25 мартда "Зарафшон" газетасида босилган "Мардонқули билан Муҳаммадқулини ҳам унутмайлик" фиқрасини тилга олмаганда шу кунгача бир оғиз сўз йўқ...

Ҳожи Муъин ибн Шукрулло шундай ёзади: "1919 йил 25 мартда Беҳбудий афандиға йўлдош бўлуб, унинг билан бирга сафарга чиқғон ва Қарши зиндонида Беҳбудий билан баробар шаҳид бўлғон зотлардан бири Мардонқули Шоҳмуҳаммадқул ўғли бўлуб, иккинчиси Муҳаммадқули Ўринбой ўғли эканлиги маълумдир. Мана шул икки муҳтарам ҳам Самарқанд тараққийпарварлари ва жамоат ходимларимиздан эдилар".

Мардонқули Шо(ҳ)муҳамедов Туркистонни шўролар мустамлакасидан озод қилиш учун курашган махфий "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси эди. Шу ташкилот йўлланмаси билан Маҳмудхўжа Беҳбудий (раҳбар) ва Муҳаммадқули ҳамроҳлигида Туркияга кетаётганда, Шаҳрисабздан ўтиш чоғида қўлга туширилади. Улар амир розилик бергач, Қарши беги буйруғи билан қатл этилади. Беҳбудий ва шериклларининг ўлими узоқ муддат ошкор қилинмади. Уларнинг ўлими ҳақида турли-туман афсоналар тўқилди. Сирни ошкор қилмоқчи бўлган кишилар таъқибга олиниб, бирин-кетин сирли равишда йўқ қилинди, жумладан, "Ҳуррият"нинг биринчи муҳаррири Акобир Шоҳмансуров ҳам. Қолганлари қатли нуфус даврида Соловецк, Вологда, Колим, Магадан тупроқларида қолиб кетдилар. Аммо ҳақиқий ҳакам — тарих улар тўғрисидаги ҳақиқатни, улар ёзган асарларни ўз қатида авайлаб сақлаб келмоқда.

Мардонқули Шомуҳаммад ўғли (1881-1919) Ватаним, халқим деб яшаган инсонлар тоифасидан бўлиб, бутун маънавий фаолиятини халқни тараққий эттириш учун қаратди. Шу йўлда толмай меҳнат қилган. Самарқандда нашр этилган "Ҳуррият" газетасининг ташкил этилишида қизғин иштирок этиб, Акобир Шоҳмансуровдан кейин бош муҳаррирлик вазифасини бажарди. Ҳожи Муъин унинг фазилатига тўхталар экан, "Мардонқули афандининг ҳасани ахлоқи, жавонмардлиги, халқ хизматиға ғоят ихлослик, маорифпарвар, жасур бир зот эканлиги... барчамизга белгулидир" дейди.

Яқинда чор ҳукуматининг Туркистон туман сақлов* бўлими (ТРОО) архив ҳужжатларини варақлаб туриб бир ҳужжатга кўзимиз тушди. Ҳужжатга қараганда, чор махфий хизмати Мардонқули Шомуҳамедов ортидан доимо кузатув олиб борган. 1916 йил 17 ноябрда тузилган "№105" рақамли "Иш"ни очган. "Иш"даги "Самарқанд аҳолисидан Мардонқули Шомуҳамедовнинг сиёсий ишончлилиги" ҳақидаги "Сведения"га ва Самарқанд шаҳар катта оқсоқоли томонидан берилган "Шаҳодатнома"га қараганда, Мардонқули Шомуҳамедов асли самарқандлик, ўзбек, 1916 йилда 35 ёшда, отасининг исм-фамилияси Шомуҳаммад Файзибоев, онасининг исми Ҳамроой экан. Ҳар иккиси ҳам вафот этган. Унинг Сўфи Розиқ гузаридаги ҳовлисида, қарамоғида ўгай онаси Икрома Алимуҳамедова, хотини Анбарой Ниёзмуҳамедова, 6 яшар қизи Мунираой, қайнотаси Ҳожи Ниёзмуҳаммад Неккадамов, қайнағаси Ғиёсиддин бирга яшашган. Самарқанддаги рус-тузем мактабининг икки синфини тугатган, ўқишни давом эттиришга имконияти бўлмаган. Мардонқули асосан Самарқандда газлама сотиш билан шуғулланган. (Ўзб.Р. МДА.ф 461, р1.йиғма жилд 1898. 44, 54 в.в.)

Мардонқули Шо(ҳ)муҳамедовнинг рус-тузем мактабини битирганидан кейинги фаолияти номаълум. Аммо матбуот материалларига қараганда, чамаси Истанбулда таҳсил олган, бу ёзган мақолаларининг тилида яққол сезилади. Шунингдек, маҳаллий публицист ва сиёсатчиларнинг фаолиятидан, рус сиёсий партияларининг ишидан хабардор бўлган. Ҳужжатларга қараганда 1914-1916 йилларда "Тверь бародаронлиги мануфактураси" ("Товаришество Тверской мануфактури")да ишлайди (Ўзб.Р.МДА. ф461. р1. йиғмажилд 1898. 11в). Бироқ ўз савдосини юритиш учун турли тадбирларни излашга мажбур бўлади. Шу мақсадда у шериги билан кейинги икки йил мобайнида, яъни 1915-1916 йилларда савдогарлик сабабли Мозори Шарифга боради ва иккинчи боришда ҳибсга олинади. Аммо Самарқанддан борган савдогарларнинг таъриф-тавсифларидан кейин озод қилинади. Ана ўша пайтда шаҳар кутволи билан танишиб қолади ва Афғонистонда содир бўлаётган воқеаларни кузатиш имкониятига эга бўлади. У охранка ходимлари сўроқ қилганда шу гапларни очиқ-ойдин ёзиб беради.

Гап шундаки, Мардонқули Шомуҳамедов ҳамроҳи Абдулқодир Карим ўғли билан Калиф шаҳридаги темир йўл бекатида чор аскарлари билан суҳбатлашиб, урушнинг бориши, ўзбекларнинг Жиззахда содир этган қўзғолонларидан хабардорларми, йўқми, қанча ҳарбий асирлар қочгани билан қизиқишган. Ана шу қизиқиш хуфялар томонидан жандармерияга етказилади. Ҳарбий ҳолат талабига биноан сўраб-суриштириш бошланади ва улар 1916 йил 10 ноябрда ҳибсга олинади. 15 ноябрда Тошкентга олиб келиниб, 17 ноябрда қамоққа олинади. Бу ҳақда охранка ходимлари Сирдарё ҳарбий губернаторига гўёки бу кишилар Туркистон фуқароси эмас-у, Афғонистондан келганлар деб айтилади ва бу шахсларнинг сиёсий ишончлилиги тўғрисида суриштирув олиб бориш ҳақида махфий мактуб йўллайдилар. (Ўзб.Р. МДА.ф.461. р1. йиғма жилд 1898.,8-9) 1916 йил 19 ноябрда Туркистон туман сақлов (махфий) бўлими коллеж котиби Наришкин маҳбуслардан тортиб олинган ашёларни кўздан кечириб, қайднома тузади. Сурғичланган конверт очилганда, унинг ичидан алоҳида жандармлар корпуси подполковниги Е.В.Пригара томонидан ҳибс пайтида олиб қўйилган М.Шомуҳамедовга тегишли бир дона "Мозерь" фабрикасининг маҳсулоти бўлган кумуш занжирли олтин соат, саксон сўм пул, бир дона устара, қалам очадиган пичоқ, муддатсиз паспорт чиқади. Бу ашёлар бирон сиёсий айб қўйиш учун далил бўла олмаслиги туфайли махфий хизмат топшириғи билан Самарқанд полицмейстри 1916 йил 25 ноябрда Мардонқули Шомуҳамедовнинг уйида тинтув ўтказади. Бироқ тинтув пайтида бирон бир шубҳали ашё топилмайди.

Мардонқули Шомуҳамедов ва шеригининг бир неча ой қамоқда ушлаб турилишига сабаб 1911 йил 17 июнда чор ҳукуматининг Бухородаги Сиёсий агентлиги ходимлари томонидан Туркия фуқароси Ризобек афанди ҳибсга олиниб, сўроқ қилинган. Маҳбус сўроқда Бухорода "Ёш бухороликлар" сиёсий фирқаси мавжудлиги, бухоролик ва туркистонлик ёшларни ўқитиш учун "Иттиҳод ва тараққий" руҳида мактаб очилганини айтади. Туркистоннинг деярли барча туманларида уларнинг қўмитаси борлиги ва жумладан, Самарқандда ҳам мавжуд эканини, Мардонқули Шомуҳамедов унинг аъзоси эканини тасдиқловчи "Маълумотнома" Туркистон туман махфий бўлими томонидан аниқланиб, 1916 йил 20 ноябрда юқори ташкилотга берилган. Бироқ ашёвий далилнинг йўқлиги, маҳбуснинг гуноҳсизлиги тўлиқ исботланса-да, М.Шомуҳамедов ва шериги А.Карим ўғли ҳибсда 1916 йилнинг охиригача ушлаб турилади ва 1917 йилнинг бошида қамоқдан озод қилинади.

Мардонқули Шомуҳамедов озод бўлгач, дўстлари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Акобир Шоҳмансуров, Муҳаммадқули Ўринбоев ва бошқалар билан бирга халққа маданий-маърифий хизмат қилишни мақсад қилган "Зарафшон" кутубхонаси ширкатини ташкил қилади. Мардонқули Шоҳмуҳамедов шу ширкат томонидан ташкил қилинган "Ҳуррият" газетасининг 1917 йил, №10-19 сонларига (16 май-28 май, 1917й.) "Мардонқули Шоҳмуҳаммадзода" имзоси билан бош муҳаррирлик қилади (Акобир Шоҳмансурзода 11 апрелдан 11 майгача ва 3 июлдан 25 июлгача бош муҳаррир, 1917 йил 4 августдан 1918 йил 16 апрелгача Абдурауф Фитрат бош муҳаррир, айрим сонларига Ҳожи Муъин муҳаррирлик қилган) ва газетада долзарб мавзуларда ўнга яқин мақола эълон қилади.

Унинг "Таъмини истиқбол" номли биринчи мақоласи "Ҳуррият" газетасининг илк сонида "М.Ш." имзоси билан босилган. Муаллиф Туркистон халқлари тақдири учун куюниб, шу халқни асрий таназзулдан қутқаришга интилиб яшаётган зиёли сифатида фикр юритади. Халқни омилик, фикрий танбаллик, ўз ҳаётига янгитдан назар ташлашни истамаслик каби жаҳолатдан фориғ қилиш йўлларини кўрсатишга интилади, миллат бошига фалокат бўлиб тушган ўтмишдаги хатоларни такрорламасликка даъват қилади. Бу масалада таълим-тарбияни, мактабни, илмни, муаллимларни замон талабларига мослашишини ўртага ташлайди. Аслофлар, (салафлар) хатосини такрорламаслик кераклигини куюниб сўзлайди.

Шоҳмуҳаммадзода душманларнинг қопқонига илинмаслик, тўғри йўлдан адашмасдан илғор, бой ва кучли мамлакатлар билан тенгма-тенг юрмоқ учун маориф ва илмга катта эътибор билан қарашдан ташқари, уни мукаммал эгаллаш кераклигини уқтиради. Илм-фаннинг давлат ва халқ ҳаётида тутган ўрни ва ролига юксак баҳо беради. Шунингдек, она тилини пухта ўрганиш зарурлигини сўзлайди.

Унинг фикрича, келажакка ишонмасдан қаровчилар, калта ўйловчи кишилар доимо топилади. Чунки мустақил фикр ва маслакка эга бўлмаган кишилар бир ишни режа билан, сабот билан олиб бора олмайдилар. Аммо уларга парво қилмай илгари юриш керак. Тарихий воқеалар халқни иродасизлик, саботсизлик, жасоратсизликка олиб келган экан, бундай "ахлоқи разилона"дан воз кечиб, итқитиб ташлаш кераклигини баён этади. Ватандошларини халқ ва Ватан учун ишлашга чақиради.

Мардонқули Шомуҳаммедов доимо эл ташвишида яшаган инсон бўлгани учун шаҳардан ташқарида, дала-даштларда яшовчи ватандошларини замона янгиликларидан хабардор қилиш, кўзини очиш учун "Деҳқон" газетасини ташкил этишни таклиф қилади. Газетанинг молиявий таъминот йўлларини кўрсатиб беради. ("Ҳуррият", 11.У.1917й.) Бу фикрни 1917 йил 6 майда Самарқанд уезд маҳкамасида бўлган сайлов комиссияси мажлисида баён этади. Мажлис иштирокчилари унинг таклифини қабул қиладилар.

Миллатни маданий-маънавий, ҳуқуқий таназзулдан қутқариш уни ўйлантирган асосий масалалардан бири бўлган. Шу боис ўз мақолаларида Русия ва Европа ҳаётини мисол келтирар экан, Ватанга хизмат қилиш мард эрлар иши эканини, бундай инсонлар масаласида Туркистон қаҳатчиликка учраганми, дейди. Бу камчиликлар барчаси илмсизлик туфайли содир бўлганини тушунтирар экан, Русия биринчи давлат думасига борган вакиллар илмсизликлари, дунё ва сиёсат ишларидан бехабарликлари сабабли жуда ноқулай аҳволга тушиб қолганликларини эслатади.

Замон ўзгаргани, Муваққат ҳукумат "Мажлиси мабсусон" ("Таъсис мажлиси" — "Учредителное собрание")га тайёргарлик бошлангани, шу муносабат билан Тошкент Ижроия Қўмитасида 12 масала лойиҳаси юзасидан ўн кеча-кундуз муҳокама ўтказилгани ва Туркистон учун демократия талабидаги "Кенг Мухториятли жумҳурият"ни таъсис этиш талаб қилинганини маълум қилади. Умуман, фақат таъсис мажлисига эмас, барча масалаларни ҳал қилиш учун "ҳозирланмоғимиз лозим" дейди. ("Ҳуррият" 3.У.1917й.)

Мардонқули Шомуҳаммедовнинг мақолаларини ўқиган киши унинг жаҳон кезган, Европа сиёсий ва маиший ҳаётидан, сиёсий партиялар йўлидан, давлат тузумларидан хабардор киши эканига ишонч ҳосил қилади. Масалан, "Ер ким учун, пора ким учундур?" мақоласида мустамлакачилик, босқинчилик, зўравонликнинг оқибат-натижалари, халқларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида заминдор фикр юритар экан, "сўсиал демократ" фирқасининг маромномаси том маъноси ила майдонга чиқса керак" деб башорат қилади. Бундай башоратни ўша пайтда сиёсий партиялар ва уларнинг айни ҳолатда жамият ҳаётида тутган позициясини теран ҳис қилган сиёсатшуносгина айтиши мумкин эди. ("Ҳуррият" 26.V.1917й.)

"Ҳуррият"нинг бош муҳаррири сифатида мамлакатда содир бўлаётган воқеаларни кенг ёритишга интилади. Четдан муаллифлар жалб этади. Мақолаларида "маданий ижтимолар"ни амалга оширишни тарғиб қилиб, ширкатлар, фабрикалар очиш, шаҳар ичига трамвай қўйиш, қишлоқ хўжалигини машиналаштириш, тижорат мактаби, зироат мактаби, саноат мактаби очиш каби масалаларини дадил ўртага ташлайди. ("Ҳуррият". 30.V.1917й.)

Афсуски, миллатпарварнинг ҳар бир чиқиши қолоқ фикрли кишилар томонидан душманлик билан қарши олинди. Бир вақтлар Маҳмудхўжа Беҳбудийга қарши Улуғбек мадрасаси сўфиси қилган иғвогарликка ўхшаш иғвогарлик айнан шу мадрасада Мардонқули Шомуҳамедовга ҳам уюштирилади. Унинг "Ҳуррият" газетасининг учинчи сонида босилган "Истиқбола қарши лоқайд қолмоқ" мақоласи айрим муллалар томонидан тескари баҳоланади, турли хил миш-мишлар уюштирилади. Публицист бундай чиқишларни хотиржам кутиб олади ва мухолифлар ўз фикрларини матбуотда очиқ баён этсалар жавоб беришга тайёр эканлигини маълум қилади: "Бу кун ҳарна ёзсак бутун софияти қалб ила ғоят муқаддас амал ила ёзамиз, ҳеч кимдан қўрқмаймиз. Қўрқмоқ эсимизга тушмайдур. Олижаноб ислом миллатиға хизмат этмоқ ягона мақсадимиздур".

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, халқни илмли қилиш ва илмли одамларни жамоат ва халқ ишига тортиш унинг ягона мақсади эди. Шу боис у чаламуллалар даври ўтгани, ҳар қандай ишни ҳақиқий илм эгалари қилиши кераклигини айтади.

Ажойиб миллатпарвар Мардонқули Шомуҳамедов хотин-қизлар озодлиги, уларнинг жамиятда тутган ўринлари, ҳуқуқлари ҳақида ҳам дадил фикрлар айта олгани эътиборга лойиқ. У "Самарқанд 21 июнь" мақоласида Фарғонада босилган "Тирик сўз" газетасининг хабарига асосланиб, Қўқонда ўтган Умуммусулмон съездида 6 киши хотин-қизларнинг сайловда иштирок этиш масаласига қарши чиқиб, эътироз билдирганларидан норози бўлади. Эътирозчиларни миллат ва дин тарихини билмасликда айблайди.

Сирожиддин АҲМАД,
"Қатағон курбонлари хотираси" музейининг илмий-экспедиция бўлими мудири

Миллий матбуот солномасида 1917 йилнинг 16 апрель куни алоҳида ўрин тутади. Самарқандда шу куни «Матбуот миллат чирогидир» шиори билан «Ҳуррият» газетаси дунёга келган эди. Сирожиддин Аҳмаднинг «Ҳуррият» муҳаррирларидан бири...» мақоласи янги далил ва ҳали саҳифалари очилмаган архив материалларининг истиқлол туфайли ўрганилаётганлигининг далилидир. Бу мақола ҳам унинг тадқиқотлари каби янгилик ва изланишларга ҳамда тўлиқ ўрганилган маълумотларга бой.

Н.АБДУАЗИЗОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси «Ўзбекистоннинг янги тарихи» маркази бош илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор.

НАШР

"Ўзбекистон матбуоти" журналининг учинчи сонини варақлар эканмиз, унинг саҳифаларида бугунги матбуотимизга доир муҳим маълумотлар: соҳадаги сўнгги ахборотлардан тортиб, мулоҳазали мавзулар, тадқиқотлар ҳам эълон қилингани нашрнинг ўқишлилигини янада оширганига амин бўламиз. Инчунун, "Ижодий ютуқлар эътирофи" рукнида давлатимиз раҳбарининг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригидан руҳланиб бир қатор таниқли журналистлар баён этган дил изҳорлари, журналистлар ўртасида ўтказилган танловларнинг якунлари ҳақидаги ҳисоботлар, шунингдек, турли таҳлилий мақолалар чоп этилган.

Миллий матбуотимиз кўзгуси

"Сиёсат" рукнида сиёсий журналистикага оид шарҳлар, таснифлар босилган бўлса, "Маънавият" рукнида адабиётшунос Султонмурод Олим қаламига мансуб ҳазрат Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган "Шоирлар султони" ва таниқли ижодкор Бахтиёр Ризонинг Абдулла Қодирий ижод йўлига доир "Адибнинг жасорати" номли мақолалари эълон қилинган.

"Ахборот майдони" рукнида чоп этилган мақолалар ҳам эътиборга молик. Ўзбекистон Республикаси Миллий китоб палатаси директори Зухриддин Исомиддиновнинг "ISBN ва ISSN: китоб ва туркум нашрларнинг халқаро рақамларини қўллашнинг ўзига хосликлари" номли, шунингдек, "Жамият" газетаси бош муҳаррири Сирожиддин Раупов қаламига мансуб "Глобал ахборот жамияти" мақолалари муштарийларни бефарқ қолдирмайди.

"Журналистик атамалар маъносини биласизми?" сарлавҳали материалдаги соҳамизга оид айрим атамаларнинг изоҳи ҳам кўпчилик ҳамкасбларимизга фаолияти давомида асқотса ажаб эмас.

"Эҳтиром" рукнида нашр қилинган фахрий фотомухбир Равиль Альбеков ҳақидаги "Ижодий гулдасталар" сарлавҳали мақола равон ва самимий ёзилгани билан аҳамиятлидир.

"Матбуотчиларнинг яқин дўсти", "Беҳбудий фожиаси", "Саробга айланмаган умр", "Мулоқот жараёнида ахборот алмашинуви", "Реклама ҳам... маънавият" каби мақолалар ҳам ўқувчиларга манзур бўлиши шубҳасиз.

"Наср ва назм" рукнида ёзувчи Ғаффор Ҳотамовнинг атоқли адиб Одил Ёқубов ҳақидаги ҳикоялари, шоир Баҳром Рўзимуҳаммаднинг шеърлари ва моҳир рус ҳикоянависи Юрий Казаков қаламига мансуб "Ёзувчининг матонати ҳақида" номли эссе муштарийлар ҳукмига ҳавола этилган.

Журналнинг сўнгги саҳифаларида Носир Фозиловнинг атоқли ижодкорлар: шоир Миртемир ва олим Тўхтасин Жалолов ҳаётига оид самимий лавҳалардан бахраманд бўласиз.

"Ўзбекистон матбуоти" журналининг ушбу сонини мутолаа қилиш барча ҳамкасбларимиз учун фойдадан холи бўлмайди, деган умиддамиз.

С. ТОЖИДДИНОВА

КУЗАТУВ

Талабалар қайси нашрларни ўқишмоқда?

Газета ўқишдан мақсад нима? Табиийки, янги маълумотлардан хабардор бўлиш. Аммо бу борада ҳам турлича ёндашувлар бор. Кимдир фан-техника тараққий этаётган бугунги давримизда матбуотнинг мавқеи тушиб кетаётганини писанда қилса, бошқа биров инсоният ҳаётида газеталарнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмаслигини таъкидлайди. Аммо биз тўхталмоқчи бўлган мавзу бу эмас. Билмоқчи бўлганимиз, бугунги ёшлар газета ўқишаяптими? Агар ўқишаётган бўлса, қайси нашрларни? Шу каби саволларга жавоб топиш илинжида айрим тенгдошларимиз билан суҳбатда бўлдик:

Шаҳзод Ғаффоров,
ЎзДЖТУ талабаси:

"Юртимизда газета ўқувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил этаётгани матбуотнинг мавқеи ҳали баланд эканидан далолат беради. Қолаверса, ўқувчилар ва талабаларнинг газеталаримизда ўз ижодий ишлари билан фаол қатнашаётгани қувонарли ҳол. Мен ҳам ижтимоий-сиёсий ва маданий-иқтисодий йўналишдаги марказий газеталаримизни ўқиб, таҳририят иш фаолиятини кузатиб бораман. Масалан, "Халқ сўзи", "Ўзбекистон овози", "Туркистон"ни мунтазам мутолаа қиламан. Эътироф этиш керак: ҳозирги нашрларимиз ижобий томонга ўзгарган. Бунда тезкорлик ва аниқлик муҳим аҳамият касб этмоқда" деб ўйлайман.

Малика Маматмуродова,
ТАТУ талабаси:

"Ҳозир даврий нашрларимизда сезиларли даражада ўзгариш кўзга ташланмоқда. Бунинг сабаби ёш кадрлардир. Уларнинг ҳиссаси билан ўзига хос мақолалар, адабий асарлар газеталар саҳифаларидан тушмай келмоқда. Ўзим ҳам бошқа замондошларимиз сингари турли мавзуга оид мақолалар ёзиб тураман. "Даракчи", "Бекажон" каби кўнгилочар газеталарни мутолаа қилиш баробарида расмий нашрларимизни, қолаверса, чет эл нашрларини ҳам ўқишни канда қилмайман. Шу ўринда бир мулоҳаза: айрим марказий нашрларимиз баъзи вилоятларда ўз мухбирларига эга эмас. Ваҳоланки, биз тараққий этган хориж матбуоти билан бўйлашишимиз учун газеталаримизнинг кенг тармоқли, ҳатто чет элларда ҳам махсус мухбирлари бўлиши керак. Ана шу иш йўлга қўйилса, нашрларимизнинг ўқишлилик даражаси янада ошар эди, назаримда".

Ҳа... Ёшларимизнинг илмга чанқоқ ва ўз мустақил фикрига эга эканини уларнинг билдирган фикрларидан ҳам билса бўлади. Зотан, бугунги талаба нафақат юртимизда, балки бутун дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, тафсилотлардан хабардор бўлмоқни истайди. Тенгдошларимизнинг газеталарни мутолаа қилиш баробарида, даврий нашрлар ҳақида ўзига хос фикрга ҳам эга экани, тўғриси, барчамизни қувонтиради.

Азизбек АЛЛАБЕРДИЕВ,
талаба

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ДАРАКЛАР

ДУНЁДАГИ ЭНГ КАТТА СОАТ МАККАДА



Ислом оламининг энг муқаддас қадамжосида муборак Рамазон ойининг илк кунида дунёдаги энг йирик соат ишга туширилди. Мазкур соат Британия қироллигидаги «Биг бен»дан олти марта катта. Узунлиги нақ 40 метр келувчи бу соат ердан 400 метр баландликда жойлашган. Соат механизми ўрнатилган минора эса 601 метрни ташкил этади. Дунёдаги бундан баланд минора фақат Дубайдаги «Бурж Халифа»дир. Унинг узунлиги 828 метрни ташкил этади.

Янги мажмуа меҳмонхона ва турар жой биноларини ҳам ўз ичига олган, жами етти минорадан ташкил топган. Бутун механизмнинг оғирлиги эса 36 тоннани ташкил этади.

«Ал-Арабия» телевизион каналининг хабар беришича, Макканинг энг асосий соатига ниҳоятда аниқлик билан ишлашини таъминлайдиган механизм ўрнатилган. Бу эса, қироллик аҳолиси ва ҳар йили ҳажга келувчи зиёратчиларга соатга қараб, намоз вақтини аниқ белгилаб олиш имконини беради.

Азон вақтида соатни Саудия Арабистони байроғини акс эттирувчи оқ ва яшил рангдаги 21 мингта чироқ ёритиб туради. Чироқларнинг ёғдусида соатни 30 км. узоқликдан ҳам кўриш мумкин бўлади. Ердан осмонга қараб 10 км. га йўлланган 16 та нур эса соатни самолётдан туриб кўришга ҳам имкон яратади. Ҳар бир нурнинг қуввати 10 кВтни ташкил этади.

Миноранинг тепасида туриб, бутун Маккани томоша қилиш мумкин. Замонавий технологиялар воситасида тайёрланган дунёдаги энг йирик соат шамол, чанг ва ёмғирдан муҳофаза қилинган. Соатнинг асосий механизми ниҳоятда кучли қуёш батареяларидан энергия олади.

ПАН ГИ МУН ПОКИСТОНДАГИ ОФАТДАН ТАШВИШДА

ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Пан Ги Мун Покистонга ташрифи чоғида сув тошқинидан зарар кўрган вайроналарни кўздан кечирар экан, у ерни «юракни қон қилувчи» дея тасвирлаган.

Пан Ги Мун офатдан жабр кўрганлар бошпана ва дори-дармонларга муҳтож эканини таъкидлаб, яна бир бор жаҳон ҳамжамиятини Покистонга тезроқ кўмак етказишга чақирган.

Покистон ҳукумати бугунга келиб 20 миллиондан ортиқ одам муссон тошқинларидан жабрланганини ҳамда 1500 одам нобуд бўлганини эълон қилган.

Тиббиёт мутахассислари тошқин юз берган ҳудудларда эпидемия хавфи ошиб бораётгани ҳақида огоҳлантиришмоқда.

«Бу кун мен ва вакиллик гуруҳим учун юракни қон қиладиган кун бўлди,» — деб айтди Пан Ги Мун Покистон президенти Осиф Али Зардорий билан ўтказган матбуот анжуманида.

«Ўзим гувоҳи бўлган вайронагарчилик ва азоб-уқубатни ҳеч қачон унутмайман. Аввал ҳам жаҳондаги кўплаб табиий офатларни кўрганман, аммо ҳеч бири бунчалик кенг миқёсда эмас. Офатнинг кўлами жуда катта. Одамлар ёрдамга муҳтож,» — дея таъкидлаган Пан Ги Мун БМТнинг фавқулодда ёрдам жамғармасидан Покистонга яна 10 миллион доллар ажратилишини эълон қилди. Аввалроқ Покистонга мазкур жамғармадан 17 миллион доллар ажратилганди.

Покистоннинг бешдан бир қисмини сув тошқинлари ювиб кетган. Пан Ги Мун ва Покистон президенти Осиф Али Зардорий вертолётда Покистонни озиқ-овқат билан таъминлайдиган асосий вилояти бўлмиш Панжоб устидан учишган.

Унинг тўртта ҳудуди катта кўлларга айланган. Буғдой ва шакарқамиш далаларини сув босган. Миллионлаб одамлар сув ювиб кетган уйларни тарк этишган.

НЬЮ ЙОРКДА МАСЖИД ҚУРИЛАДИ

Рейтер ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, АҚШ президенти Барак Обама Нью-Йорк шаҳрида 2001 йил 11 сентябрда қўпорувчилик содир этилган ҳудудга яқин жойда масжид ҳамда ислом маданияти маркази қуриш лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

13 август куни Барак Обама Оқ уйда мамлакатдаги мусулмон жамоаси вакиллари ва мусулмон давлатлари дипломатлари учун ифторлик берди.

Ушбу тадбир чоғида нутқ сўзлаган Барак Обама Нью-Йорк шаҳрида катта масжид ҳамда ислом маданияти маркази қуриш лойиҳасини қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Барак Обама ўз нутқида Америка тупроғида яшаётган мусулмонлар барча АҚШ фуқаролари каби ўз динига эътиқод қилиш ҳуқуқига эга эканликларини алоҳида таъкидлаб, "Фуқаро ва президент сифатида шуни таъкидламоқчиманки, бу давлатда мусулмонлар бошқалар каби ўз динларига эътиқод қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу ҳақ-ҳуқуқларга, албатта маҳаллий қонунларга риоя қилган ҳолда Манхеттэндаги хусусий ерда масжид ва маданий марказ қура олиш ҳуқуқи ҳам киради. Бу Америкадир ва дин эркинликлари борасида ўз зиммамизга олган мажбуриятларимиз сўзсиз бажарилиши лозим," — деди Барак Обама.

Маълумки, Оқ уй раҳбари АҚШ ва мусулмон дунёси ўзаро алоқаларини яхшилаш масаласини ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири қилиб белгилаган. Бироқ кўпгина америкаликларнинг кескин қаршилигига учраб келаётган масжид қурилиши масаласида Обама шу кунгача сукут сақлаб келаётган эди.

Кўпгина америкаликлар ва Нью-Йорк шаҳри аҳолиси 2001 йилнинг 11 сентябрь ҳуружи амалга оширилган жойга яқин ҳудудда янги масжид ҳамда ислом маданият марказини қуриш лойиҳасига мутлақо қарши чиқмоқда. Уларнинг фикрича, қўпорувчилик амалиёти содир этилган жойга яқин ҳудудда масжид қуриш ушбу фожиада нобуд бўлган 2700 дан ортиқ шахсга нисбатан ҳурматсизлик бўлади.

Мамлакатнинг таниқли сиёсатчилари, жумладан, республикачи Сара Пайлин, собиқ спикер, республикачи Невт Гинрич ҳам мазкур лойиҳани тўхтатиш чақириғи билан чиқди. Ўтган ҳафта эса Нью-Йорк шаҳар ҳокимиятининг Тарихий жойларни муҳофаза қилиш комиссияси йиғилишида 152 йил олдин Манхэттеннинг қуйи қисмига қурилган бинони тарихий бинолар рўйхатидан чиқариш ва уни бузишга рухсат бериш ҳақида қарор қабул қилинди.

Нью-Йоркдаги мазкур бино ўрнига Ислом маркази ва масжид қуриш лойиҳаси тарафдорлари комиссия аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинган қарорни олқишлашди.

Манхеттэн қуйи қисмини қайта қуриш масаласи қанчалар қалтис эканини англаган Барак Обама дин эркинлиги борасида АҚШ ҳукумати ўз зиммасига олган барча мажбуриятлар ҳар бир дин учун бирдай бажарилиши лозимлигини таъкидлади.

Нью-Йорк шаҳар ҳокими Майкл Блумберг ҳам Ислом маркази ва масжид қурилиши режасини қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Бироқ Нью-Йоркда ўтказилган сўнгги сўров натижаларига кўра, шаҳар аҳолисининг 53 фоизи янги масжид қурилишига қарши чиқмоқда. Дастлабки режада 13 қаватли Ислом маркази ва масжид биноларининг қурилиши 100 миллион долларга тушиши назарда тутилган.

Айни пайтда, марказда масжиддан ташқари яна бассейн, баскетбол майдони, мажлислар зали ва кулинария мактабининг ҳам бўлиши кўзда тутилган.

ХИТОЙ ЯПОНИЯНИ ОРТДА ҚОЛДИРДИ

Рейтер ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, Япония иқтисодий ўсиш бўйича жорий йилнинг иккинчи чорагида ўз ўрнини Хитойга бўшатиб берди. 2010 йилнинг биринчи чорагида Японияда ЯИМ ўсиши 0,4 фоизни ташкил этган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, биринчи чоракда ЯИМ 4,4 фоизга ўсиши кутилаётган эди. Ушбу хабар глобал иқтисодга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Бугунги кунда жадал суръатларда ривожланаётган Хитой глобал иқтисодиётдаги балансни шарқ томон оғдирмоқда. Халқаро иқтисодий инқироз туфайли АҚШ, Япония ва Европа мамлакатларида иқтисодий ўсиш секинлашган бир пайтда Хитой жаҳон бозорида қудратли кучга айланмоқда. У аллақачон автомобиль, текстиль, озиқ-овқат, металлургия саноатида экспорт қиладиган давлатга айланиб, глобал иқтисодга ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб келмоқда.

«Осиёда Япония биргина олтин ишлаб чиқаришда ҳеч қандай салоҳиятга эга эмас, аммо Хитой бу масалада ўз мустақиллигига эга. Бу халқаро бозорда жуда муҳим», — дейди Токиодаги Фужитсу тадқиқот институти мутахассиси Мартин Шулз.

2010 йилда Хитой ЯИМ ўсиши 10 фоизга, Японияда эса 3 фоизга ўсиши кутилмоқда. Японияда биринчи ярим йилликда ялпи ички маҳсулот айланмаси 1.286 триллион долларни ташкил этган бўлса, Хитойнинг биринчи ярим йилликда ялпи ички маҳсулот айланмаси 1.335 триллион долларни ташкил этган.

Япония иқтисодий ўсиш бўйича 1968 йили АҚШни ортда қолдириб, Германиядан кейин иккинчи ўринга кўтарилган эди. У ўз мавқеини 42 йил сақлаб турди.

Бугунги кунда 1.3 миллиард аҳоли яшайдиган Хитойда даромадлар киши бошига ўртача 3.600 долларни ташкил этяпти. Япония эса бу масалада дунёда биринчи ўринни забт этган. Бу ердаги даромад киши бошига 37.800 долларига тўғри келмоқда.

Шунга қарамай Япония тез орада ўз ўрнини қайтариб олишини ишонч билан таъкидламоқда. Жумладан, электротехника ҳамда машинасозлик саноатида Toyota ва Sony компаниялари катта янгиликлар қилишини айтишган.

ЭЛАСТИК БЕТОН КАШФ ҚИЛИНДИ

Мичиган университети олимлари Виктор Ли ва Инцзи Ян эластик бетон кашф қилди. У ёриқлар пайдо бўлганда тўла тикланиш хусусиятига эга. Бунинг учун ёриққа сув қуйишнинг ўзи кифоя. Шунда бетондаги минерал бирикмалар ҳаводаги карбонат ангидрид гази билан бирикиб, ёриқлар ўрнини тўлдирувчи кальций карбонатни ишлаб чиқаради.

Янги бетон чиғаноқларни ривожлантирадиган минераллар бирикмасидан тайёрланади. Ундан йўллар, кўприклар ва зилзилага чидамли кўп қаватли иншоотлар барпо этишда фойдаланиш мумкин.

ГРЕЛИН ГОРМОНИНИНГ ФОЙДАСИ

"Nature Neuroscience" илмий журнали тарқатган маълумотга кўра, инсон организмидаги холестерин моддаси миқдорини бош мия ёрдамида қисман тартибга солиш мумкин экан. Мутахассисларнинг фикрича, очлик ҳиссини уйғотувчи грелин гормони холестерин миқдорини назорат қилар экан. У орқали бош мия жигарга танадаги холестерин моддасини "чиқариб юбориш" тўғрисида "буйруқ" бераркан. Шу томони ҳам борки, организмда грелиннинг меъёрдан ортиб кетиши юрак-қон томир касалликларини келтириб чиқариши мумкин.

Интернет хабарлари асосида Бунёд ЗОҲИР тайёрлади

МАШҲУРЛАР ҲАЁТИДАН

Эйнштейн ва G.B.S.

1930 йилнинг октябрида бир хавр-саховат компаниясининг таклифи билан Альберт Эйнштейн Лондонга келди. Лондонликлар буюк олим шарафига катта зиёфат уюштирдилар. Зиёфатга таклиф қилинганлар орасида ёзувчилардан Бернард Шоу ва Герберт Уэллес ҳам бор эди. Таклифнома олган Б. Шоу бу зиёфатда нутқ сўзлаши лозимлигини билиб, тайёргарлик кўради.



Агар Б.Шоу одатдан ташқари бу маърузани котибаси Бланш Пэтга айтиб туриб ёздирмаганида А.Эйнштейн билан учрашув кечасидаги маърузасининг моҳиятини ҳеч ким билмаган ва Эйнштейн билан ўтказилган учрашув эса аҳамиятсиз бўлиб қолган ҳамда бизгача етиб келмаган ҳам бўлур эди.

Бернард Шоунинг котибаси бу зиёфатда қатнашмаган. У «Ўттиз йил G.B.S. билан» китобини чоп эттирганда Эйнштейн шарафига сўзланган нутқни ҳам шу китобга киритган экан. Бланш Пэтнинг изоҳ беришича, G.B.S ҳарфлари Жорж Бернард Шоу дегани бўлиб чиқади. Маъруза матнига қараганда у жуда қизиқарлидир. Учрашув вақтида Бернард Шоу 74 ёшда, Эйнштейн эса 51 ёшда, ҳар иккаласи ҳам жаҳонга танилган машҳур инсонлар эди.

Зиёфатда биринчи бўлиб сўз олган Б.Шоу гапни сал заҳарханда ҳазил билан бошлайди. «Дунёнинг маркази жуда секинлик билан Лондондан Қўшма Штатларга кўчмоқда. Лекин Лондонни буюк кишилар эгаллаб олавермаслиги керак», — дейди у. Зиёфатда жуда кўп машҳур олимлар қатнашаётганини ҳисобга олиб, Шоу уларни дарҳол ўз ўринларига келтириб қўяди:

— Лондон бир тангага олтита буюк кишини беради, буюк кишиларнинг ўзи эса даҳшатли, ҳар хил ранг-юнгли бўлсалар-да, биз уларнинг соғлиғи учун қадаҳ кўтариб, нутқ бахшида этамиз. Эҳтимол, мен Наполеон шарафига қадаҳ кўтарарман. Лекин ўйлашимча, у умуман туғилмаганида инсоният учун яхши бўларди! Аммо бугун ҳақиқат ҳақида индамай ўтиришга умуман зарурат йўқ. Буюк кишилар кичик одамлар орасида ҳам, буюк одамлар орасида ҳам мавжуд. Биз бугун худди шунақа инсонни орамизда кўриб турибмиз».

Б.Шоу бошқа кишиларга кўр-кўрона ишонишга чидай олмасди. У шубҳали ғоялар искажасида яшаб ўтди. Шунинг учун Б.Шоу ҳамиша олимлар устидан кулиб юрарди. У фақат 8 буюк инсонни табиий тарбияловчилар деб билар, қолганларни уларга ёрдамчилар сифатида кўрарди. Б.Шоу қандай қилиб бу саккиз буюкнинг рўйхатини тузгани ҳеч кимга маълум эмас. Ниҳоят 1930 йилдаги Эйнштейн билан учрашув базмида у ўзининг севимли олимлари номини эълон қилади. Мана улар: Пифагор, Аристотель, Птоломей, Коперник, Галилей, Кеплер, Ньютон ва Эйнштейннинг ўзи. Бироқ бу саккиз «буюк»ларга Шоунинг муносабати турлича бўлган. Унинг назарида буюклардан учтаси — Птоломей, Ньютон ва Эйнштейн — оламнинг қурувчилари бўлса, қолган «буюк»лар оламни шунчаки таъмирловчилар ҳисобланган. Б.Шоунинг фикрича, учала даҳо ақл-заковат тараққиётининг етакчилари бўлиб, уларнинг назарияси бўйича инсоннинг интеллектуал ҳаёти икки йўл билан ривожланаверади. Биринчи йўл — диний, иккинчи йўл — фан билан боғлиқ.

«Дин ҳамиша ҳақ, у ҳамма масалаларни ҳал қила олади, — дейди Б.Шоу. — Дин ишонч туғдиради, мустаҳкамлик, хотиржамлик ва мутлақ тушунча ҳам бера олади. У ҳатто ҳаммамизни титраб-қақшашга олиб борадиган тараққиётдан ҳимоя қилади. Фан эса бутунлай бошқача ҳаракат қилади. Фан ҳамиша ноҳақ бўлиб чиқади: у ҳеч қачон ўнлаб янги муаммолар пайдо бўлмагунча муаммонинг ечимини тополмайди».

Мана шу учлик инсоният олдида турган масалаларни илмий асосда ечишга ҳаракат қилмоқда. Кеплер Коперникни ноҳақ деб топди. Коперник Птоломейнинг, Галилей Аристотелнинг ноҳақлигини исботлади. Худди шу жойда занжир узилди. Чунки фан биринчи марта инглизларга ўхшаб «ғаройиб табиат ҳодисалари»га чидаш беролмади. Ньютон ақлий қобилиятини лақмаликка қўшиб олиб боришга ва алдовга ишонишга мойил эди. Ньютон бўлажак инглиз бўла туриб, тўғри чизиқли оламни фаразлаштирди. Ньютон махсус кучни ўйлаб топди. Ва уни тортишиш кучи деб атади. Шундай қилиб, Ньютон олам ҳаракатини соф британча шаклда олга сурди ва уни худди назария каби қабул қилишга дунёни мажбур этди. Шунинг учун унга 300 йилча сўзсиз сажда қилиб келинди.

Ньютондан уч юз йилдан сўнг марказий Европадан ёш профессор чиқиб, астрономларга қарата шундай дейди: — жентельменлар! Агар сизлар қуёш тутилишини яхшигина кузатганингизда Меркурийнинг Ерга энг яқин нуқтасида нима бўлаётганини ҳам тушуниб, ҳам тушунтириб берган бўлардингиз.

Маданий-маърифий ривожланган Ньютон дунёси дарҳол жавоб бериб: — Агар бу даҳшатли ҳодиса бўлса, тўғри, агар тутилиши шаккоклик бўлиб чиқса, унда айтинг-чи, профессор, нима қилмоқ керак ўзи? Олам тортишиши бор нарсами? Шу масалани кўндаланг қўйиб, тортишиш керак эмаслигини ўйлашимиз керакмасми?».

Ёш профессор бироз тортинчоқлик билан тортишиш жуда фойдали гипотеза бўлиб, у аъло даражадаги натижаларга олиб боришини, лекин шахсан унга бу гипотеза керак эмаслигини айтди. Ундан коинотдаги барча жисмлар бир тўғри чизиқда тортишишсиз ҳаракат қилиб ва улар йўқолиб кетмасликларининг сирини тушунтириб беришни сўрадилар. У жавоб бериб: «Буни изоҳлашнинг ҳожати йўқлигини, чунки оламнинг тузилиши тўғри эмас, ваҳоланки, соф британча ҳам эмас, у эгри чизиқли», — дейди.

Шундай қилиб, Ньютон олами барбод бўлиб, унинг ўрнига Эйнштейн олами вужудга келди. Эйнштейн эса бундай илмий маълумотларга қарши тортишиб ўтирмади. У фаннинг аксиомасини тан олган эди. Аммо фан унинг сиқувига бардош бера олмади.

Турган гапки, Ньютон механикасидан умумий нисбийлик назариясининг нимаси билан фарқ қилишини тушуниш осонмас. Бироқ бу масала Бернард Шоунинг нутқида шу қадар назокатли баён этилдики, сўз ўйинидан озгина чалғисак, унинг ҳамма гапи аниқ ва тўғри бўлиб чиқади.

Нутқини тугаллаган Бернард Шоу: — Биз сиздан кечирим сўрашимиз керак. Чунки сизни қироллардек ёлғизлигингиздаги қашшоқларча ва дунёдаги қашшоқларнинг қашшоғига ҳам ёрдам беришдаги тинчингизни буздик. Ҳар биримизнинг шахсий дунёмиз бўлиб, ўзимизга хос ёлғиз яшаймиз. Буюк кашфиётлар учун вақтимизни қизғанамиз, худди қоронғиликдан қўрққан ёш болалардек янгилик қилишдан қўрқамиз.

Биз ўзимизнинг бу жажжи дунёмиздаги ҳайратимизни изҳор этар эканмиз, буюк замондошимиз Эйнштейнга яхшилик тилаб ва ибодат қилиб, аъло даражада сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаймиз!

Ўз нутқидан қониқиш ҳосил қилган Б.Шоу Эйнштейнга шундай дейди: — Мана шу билан менинг фанга қиладиган халоскорлигим тугади. Унга жавобан Эйнштейн: — Бу сўзларингиз мутахассислигимни ўзгартиришимга арзирмикан? — дейди. Олим бу билан Шоунинг барча далилларини рад қилиб ташлайди. Аммо жавоб нутқида Бернард Шоуни жуда юқори баҳолаб, физикага доир айтган тарихий сўзларини назокат билан соддалаштиради: «Мистер Шоу инсониятнинг муҳаббатини қозонишга эриша олди. Унинг йўли бошқалар учун азоб йўли бўлиши мумкин эди. Мистер Шоу нима қилган бўлса буни фақат ҳақиқий артист қила оладиган даражада ижро этди. Парда ортида ўзининг сон-саноқсиз қўғирчоқларини кўрсатдики, бу қўғирчоқлар ташқи кўриниши билан одамларни эслатарди. Бироқ шу қадар қисқа нутқда ақлнинг жўшқинлиги билан назокатли ҳаракат ҳам мужассамлашдики, ўзимизга ўзимизни ойнада кўрсатди-қўйди. Ҳеч ким озодликнинг муаттар ҳидини ва қисман бўлса-да, елкамиздаги турмушнинг оғир юкини бу каби устамонлик билан олиб ташлай олмаганди».

Расулжон АБДУМАЖИДОВ,
иқтисодчи олим, публицист

ФАОЛИЯТ

ҲАЛОЛЛИКДА ИКМАТ КЎП

Боозорлар, озиқ-овқат дўконлари пештахталарини деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдириш учун қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида ривожлантириш талаб этилади. Шунинг учун давлатимиз раҳбари бу соҳага зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш мақсадида фармонлар, қарорлар қабул қилган. Соҳани ислоҳ қилиш, энг муҳими, бу тизимда ишловчиларнинг билим ва савиясини давр талаблари даражасига етказиш устида тинимсиз ишлар олиб борилаётир. Олиб борилаётган бу саъй-ҳаракатларни қалбига жо қилган қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари, тўғрироғи, фермерлар аллақачон юксак натижаларни қўлга киритиб, эл-юрт ичида юксак эҳтиромга сазовор бўлишга ҳам улгурдилар.

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги "Оқ ота" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Камол ота» хусусий наслчилик фермер хўжалиги 2001 йилда 111 бош қорамол билан иш фаолиятини бошлаган эди. Ишнинг кўзини билишга интилган хўжалик раҳбари Тўлқин ака Комилов мутахассислиги бўйича чорвадор бўлмаса-да, соҳанинг билимдонларидан иш ўрганди, тажриба орттирди.

— Муваффақиятларнинг калити, аввало, давлатимиз раҳбарининг доно сиёсати, қолаверса, ориятли ҳалқимизнинг онгли фикр юрита олишида, — дейди фермер Т.Комилов. — Ҳар қандай фермер қабул қилинган қонун-қоидаларга бўйсунибгина қолмай, унга жавобан юртимизнинг ривожланиши, гуллаб-яшнаши учун қўл остидаги ишчилар бошини қовуштириб, ҳалол иш юрита олса, ўша жойда барака бўлади.

Шуниси ҳам борки, беш қўл баробар эмас. Айрим ишчиларимиз яхшироқ ишласагина, беками кўст яшаш мумкинлигини тушунишни хоҳламайди. Баъзан ўқув курслари ташкил қилсакмикан, алоҳида ўқитиб тушунтирсакмикан дея ўйлаб қоламан. Ахир, бир-иккита такасалтангни деб бутун жамоани олиб турган даромадидан айиришга ҳаққимиз йўқ. Йўлини топамиз, ишлаймиз.

Фермер бўлиш осонмас. Айтилиши жарангдор, барча ҳавас қилиши мумкин бўлган соҳа бу. Биргина пахта, буғдой, чорва маҳсулотларини етиштириш билан ҳам кунни ўтказиш мумкин. Бироқ ҳар қандай тармоқни кенгайтириш, ривожлантириш ўша ердаги раҳбарнинг қобилиятига, изланишига бевосита боғлиқ. Биз маслаҳатлашиб фермер хўжалигимиз қошида гўштни қайта ишлаш мақсадида колбаса цехини ташкил этдик. Сутдан творог, кефир олмоқдамиз. Талайгина ҳамкорларимиз бор. Улар билан шартномалар тузганмиз.

Отни инсоннинг яхши дўсти, — дейди доно халқимиз. 120 бош от парвариш қиламиз. Махсус от стадиони ташкил этганмиз. Туман, вилоят, ҳатто республика миқёсидаги мусобақалар шу ерда ўтказилмоқда.

Яна бир масала. Ем-хашак етарли бўлмаса, қиш шароитига мослаб бинолар қурилмаса, "мен чорвадорман", дейиш уят. Шу боис ҳар йили қиш мавсуми арафасида ер майдонларимиздан етарлича хашак тўплаймиз.

Ҳа, Тўлқин Комилов юртимизнинг ҳалол меҳнат қилиб, ризқ топаётган илғор фермерларидан. Хулоса ўринида биргина факт: Т.Комилов раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигида 856 та қорамол, 6 ярим минг қўй-қўзи мавжуд. Айни вақтда 154 та сигирдан бир кунда 1300 литр сут соғиб олинмоқда.

Раъно ТОЖАЛИЕВА,
журналист

ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

Қандли диабет: парҳез муҳим

Қандли диабет инсулиннинг мутлақ ишланмаслиги ёки кам миқдорда ишлаб чиқилиши, шунингдек, тўқималарнинг инсулинга сезгирлигининг кескин пасайиб кетиши оқибатида келиб чиқадиган касаллик. Бунда қонда инсулин тақчил бўлиб қолгани боис, глюкоза (қанд) энергия ҳосил қилиш учун кам сарфланади ёхуд умуман сарфланмай қўяди. Гликоген ва ёғ ҳосил бўлиши учун умуман сарфланмай қолиши ҳам мумкин. Бунинг акси ўлароқ, оқсил, ёғ, гликогендан глюкоза ҳосил бўлиши ортади. Натижада қон таркибида глюкоза (қанд)нинг кўпайиб кетиши ва бунинг оқибатида озиқ моддалар алмашинуви (метаболизм)нинг издан чиқиши кузатилади. Бу — касалликнинг дастлабки белгилари пайдо бўлиши ҳисобланади ва оғиз қуриш, чанқаш, кўп сув ичиш, кўп бовул қилиш, салга толиқиш, мадорнинг тез-тез қуриши, кўп терлаш каби симптом ва синдромлар юзага чиқади.

Қандли диабет асосан икки турга бўлинади: 1-тури инсулинга қарам қандли диабет, 2-тури инсулинга қарам бўлмаган қандли диабет.

Уларнинг кечки асоратларига қон томирларнинг шикастланиши — ангиопатия, кўз тўр пардаларининг шикастланиши — ретинопатия; буйраклар шикастланиши — нефропатия, оёқларнинг музлаши, яра-чақалар пайдо бўлиши ва бошқалар киради. Бу асоратлар билан махсус мутахассис ва бошқа ихтисос эгалари, диабетологлар шуғулланишади.

Тўғрисини айтганда, бу хасталик узоқ давом этади. Худди шу нарса беморни қўрқувга солиб, кеча-кундуз ўйлантириб қўяди. Юрганда ҳам, ётганда ҳам, айниқса, овқатланаётганда ҳам бемор буни хаёлидан бир зумга бўлсин чиқара олмайди. Натижада у тушкунликка тушади. Айниқса, иродаси бўш, бемақсад яшайдиган одамларда бу дард оғир кечади.

Бемор табиатига кўра қувноқ, ўйин-кулгини севадиган, одамлар билан чиқишиб кета оладиган бўлса ўзини чалғитиб юради. Бу — қондаги қанднинг камайишига олиб келади. Аммо жаҳлдор, бўлар-бўлмасга аразлайверадиган, эрта-кеч ёлғиз, уйдан чиқмай ётаверадиган одамда бу касаллик анчагина оғир кечади.

Бундан ҳам ёмони бу — бемор психологиясига салбий таъсир кўрсатади. Унинг руҳиятида, дунёқарашида салбий ҳолатни юзага келтиради.

Баъзилар дардини тузалмас ҳисоблаб, одамлардан яширади. Ҳатто шундайлар бўладики, врачларга ҳам касалини енгил қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Ўзига ўхшаган беморлар билан суҳбатлашиб қолса, дардини уларникидан енгилроқ қилиб кўрсатишга уринади. Баъзан қонидаги қанд миқдори вақтинча пасайган бўлса, бундан бемор мағрурланиб ҳам қўяди. Қандли диабетга чалинган бемор аввало, парҳезга муттасил риоя этиши шарт. Иккинчидан, меъёрга солинган жисмоний меҳнат, бадан тарбия, спорт билан шуғулланиб юриш қатъий талаб этилади. Ҳар куни камида 2 марта 2-3 км. пиёда юриши, шахсий гигиена бўйича мутахассис топшириқларини эринмай бажариши, дориларни ўз вақтида қабул қилиши зарур. Бемор ўз асабини чидам билан идора этиши лозим. Бу — жуда муҳим!

Хўш, нима учун парҳезга қатъий риоя этиш лозим? Бунга қисқа



қилиб жавоб берсак, одамни авваламбор овқатнинг катта калорияси, унинг таркибидаги ортиқча ёғ, ширинликлар, палапартиш овқатланиш шу касалликка чалинтиради. Шундай экан, ҳеч бўлмаса касаллика дучор бўлгандан кейин, айниқса, шу моддалар мутаносиблигини изга солиб туриш жуда зарур. Бунинг учун эса докторлар буюрган парҳез овқатларни истеъмол қилиш қатъий талаб этилади. Бунда атеросклерознинг олдини оладиган, қон томирларининг қайишқоқлигини, қон ўтказувчанлигини сақлайдиган аскорбин кислотага бой лимон, пиёз, саримсоқни кўп истеъмол қилиб туриш лозим. Наъматак қайнатмасини муттасил ичиш ўта муҳим.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим беморлар парҳезга деярли эътибор бермайди. Меъёрни унутиб қўяди. Кунда-кунора тўйимли овқатлар тановул қилиб туришни хуш кўради. Тўғри, бундай беморлар калорияга бой овқатларни истеъмол қилганида ўзини бардам ҳис қилишлари мумкин. Лекин бу вақтинча,қон таркибига ўтиб олган ортиқча глюкоза (қанд) ички аъзоларга, қон томирларга ўзининг кемирувчи таъсирини кўрсатгунича. Дард улғайиб, бемор оғирлашиб қолади. Энг ёмони — ортиқча қанд емирган аъзолар қайта тикланмайди. Тикланганда ҳам жуда оз тикланади. Бинобарин, бутун бошли тана таназзулга юз тутади. Шунинг учун шифокорлар парҳезга қатъий риоя этишни тавсия қиладилар. Демак, парҳезга қанча кўп амал қилинса, қанднинг салбий таъсири шунча камаяди ёки умуман бўлмайди.

Жисмоний меҳнат, спорт, кўп юриш эса мушаклардаги қанднинг тезроқ энергияга айланиб, сарф бўлиб кетишига олиб келади. Бинобарин, шу йўл билан ҳам қондаги ортиқча углеводнинг бир қадар камайишига эришилади. Бундан ташқари, жисмоний ҳаракат мушакларни ўстиради, ёғни эса камайтиради. Юракни бақувват қилиб, томирлардаги қоннинг юришини жадаллаштиради. Шу йўл билан оёқлар шишиб кетишининг олди олинади.

Шахсий гигенага риоя этиш нимага керак? Бу шунинг учун зарурки, беморнинг кўпроқ боши қазғоқланиб, териси кепакланиб туради. Тери бурмалари қичишиб, қизариб, яллиғланиб қолиши мумкин. Демак, ювиниб, чўмилиб, турли хил малҳамлар суртиб туриш лозим бўлади. Оёқларни парвариш қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Уларни ҳар куни ювиб, бармоқлар оралиғини қуригунча артиш, тирноқларни тагигача ёки ярим доира қилиб олмасдан мутахассис кўрсатганидек олиш лозим. Терига юмшатиб турувчи кремлардан суртиш, иссиқликдан асраш, пайпоқларнинг юқори қисми сиқадиган бўлса, резинкасини кесиш лозим. Айниқса пойабзал оёқларга мос, панжа томони кенг, усти юмшоқ, ичи текис бўлгани маъқул.

Азимжон ҚОСИМОВ

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

«Агробанк» — иқтисодий тараққиёт кўмакчиси

Мамлакатимиз Президентининг "Банк тизимини янада ривожлантириш ва эркинлаштириш тўғрисида"ги, "Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари банкнинг тадбиркорлар билан яқин ишлаш механизмини, аҳолининг бўш пул маблағларини банкларга жалб қилиш, банкларнинг капиталлашувини тезлаштириш ва самарали бошқарув тизимини яратиш борасидаги асосий йўналишларини белгилаб берди.

"Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг Қашқадарё вилоят филиали, унинг шаҳар ва туман бўлимларида асосий эътибор иқтисодиётнинг агросаноат тизимига кирувчи корхона ва ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаш, банкнинг депозит базасини мустаҳкамлаш, мижозлар базасини ўстириш, банк бўлимлари даромадларини ошириш, активлар сифатини яхшилаш ҳамда бизнес режада белгиланган параметрлар юзасидан амалга оширилади-ган ишларни бажаришга қаратилмоқда. Унинг вилоят, шаҳар ва туманларида 16 та филиаллари, 70 та мини банк шохобчалари турли мулкчилик шаклидаги 22721 нафар юридик шахсга комплекс банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда банклар хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, янги банк хизматлари таклиф этиш орқали мижозлар эътиборини қозониш, барқарор ликвидлиликни сақлаш масалалари муҳим аҳамият касб этаяпти. Бунинг натижаси ўлароқ депозит ва фоиз сиёсати, банкнинг бошқарув стратегияси ва тактикаси тўғри танлангани аҳолидан жалб қилинаётган омонатлар миқдори ой сайин ўсиб бораётганини кўрсатмоқда.

"Агробанк" ОАТБ тизимида 24 та янги омонат турлари ишлаб чиқилди: "Талаб қилиб олингунча", "Болалар — келажагимиз", "Ёшлик", "Агрокапитал", "Мададкор", "Муддатли", "Баҳор", "Саховат", "Фаровонлик" номли омонатлар шулар жумласидандир. Айниқса, мамлакатимиз Президенти томонидан 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ташкил этилган "Баркамол авлод — 2010", "Баҳор — 2010" каби янги турдаги омонатлар аҳолида катта қизиқиш уйғотди.

Банкнинг жами активларининг 73,8 фоизи иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашга йўналтирилган кредит қўйилмаларига тўғри келади. Активлар таркибида кредит қўйилмаларининг миқдори 150 миллиард 611 миллион сўмни ташкил этиб, 2010 йилнинг биринчи ярмида 12 миллиард 239 миллион сўм миқдорида кредитлар берилди. 2010 йилга мўлжалланган кредит сиёсатининг асосий йўналишларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги, саноат, савдо, шунингдек, таъминот-тайёрлов тармоқларига қисқа ва узоқ муддатларга кредитлар ажратилди.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вилоят иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларга ажратилаётган кредитлар миқдори ҳам йил сайин ўсиб бормоқда. Айтайлик, 2009 йилда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 13,3 миллиард сўм кредит ажратилган бўлса, 2010 йилнинг олти ойи давомида бу кўрсаткич 9,2 миллиард сўмни ташкил этди. Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг 4 миллиард сўми узоқ муддатли ва 5,2 миллиард сўми қисқа муддатли кредитлардир. Бу кредитлар ҳисобига яратилган иш ўринларининг сони 1718 тани ташкил қилади.

Мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига асосан ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бошқарма томонидан жорий йилнинг олти ойида 21 та ёш оилага 226 миллион 200 минг сўм миқдорида микрокредитлар ажратилган.

Кам таъминланган оилаларни, шахсий ва ёрдамчи хўжаликларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан 2 миллиард 778 миллион 300 минг сўм миқдорида микрокредитлар ажратилган.

Ажратилган кредитларни тармоқлар бўйича олиб қараганимизда 317 миллион сўми саноатга, 3 миллиард 967 миллион сўми қишлоқ хўжалигига, 3 миллиард 938 миллион сўми савдо тармоқларига, 195 миллион сўм қурилишга, 673 миллион сўм маиший хизмат кўрсатишга, 112 миллион сўм бошқа тармоқлар ҳиссасига тўғри келади. Ушбу кредитлар ҳисобидан 344 та янги иш ўринлари яратилган.

Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар 1 миллиард 986 миллион сўмни, шу жумладан 1 миллиард 499 миллион сўми микрокредитни ташкил этади. Ушбу ажратилган кредитларнинг 94 миллион сўми саноатга, 302 миллион сўми уруғ ва кўчат харид қилишга, 1 млрд. 123 млн. сўми техника ва асбоб-ускуналарга, 227 миллион сўми чорва, парранда ва балиқчиликка, 150 миллион сўми қурилишга, 89 миллион сўми бошқа тармоқлар ҳиссасига тўғри келди. Ушбу кредитлар ажратилгач, 192 та янги иш ўринлари яратилган.

"Софан" хусусий ишлаб чиқариш корхонасига нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускунаси ва хомашё сотиб олиш учун 47,0 миллион сўм банкнинг Қарши шаҳар филиали томонидан кредит ажратилган. Сармоя ҳисобига қурилган кичик корхона бир йилда макарон маҳсулотларини сотишдан 616,5 миллион сўм даромад олди ва 10 та янги иш ўринлари яратди.

Молия муассасасининг Шаҳрисабз филиали томонидан "Садаф-С" ишлаб чиқариш ва савдо фирмасига "Голландия" пишлоғи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ускуналар ва хомашё сотиб олишга 30 миллион сўм кредит ажратилганди. Бугун фирма пишлоқ маҳсулотлари сотиш эвазига йилига 100,8 миллион сўм даромад олмоқда.

Банкнинг Китоб филиали томонидан "Алихон" кўп тармоқли хусусий фирмасига Хитойнинг "Идирис" савдо компаниясидан печенье маҳсулотлари ишлаб чиқариш мини техникасини сотиб олиш учун 20,0 миллион сўм кредит берилди. Айни пайтда Хитойдан мини технология олиб келиниб, ўрнатилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу кичик цех ишлаб чиқарадиган печенье маҳсулотларини сотишдан тушадиган йиллик даромад 79,2 миллион сўмни ташкил этаркан.

Жорий йил мобайнида парандачиликни ривожлантириш учун олтита мижозга 73 миллион сўм, яна шунча мижозга иссиқхона қуриш учун 106 миллион сўм, асаларичиликни ташкил қилишни мақсад қилган тадбиркорларга 65 миллион сўм кредит маблағлари ажратиб берилди.

Банкнинг Қамаши филиали мижози "Аббос чорва" хусусий фирмасига паррандачиликни ривожлантириш учун 25 миллион сўм сармоя ажратилди. Унинг ҳисобидан товуқхона қурилди ва 2400 бош парранда сотиб олиниб, фирма фаолияти кенгайтирилди. 12 киши иш билан таъминланди.

"Агробанк" ОАТБнинг Янги Нишон филиали мижози — «Нишон универсал плюс» фирмасига иссиқхона ташкил қилиш мақсадида 50 млн. сўм кредит ажратилди. Кредит олган тадбиркор 1 гектар майдонда иссиқхона ташкил қилди ва у бугун тўла қувват билан ишламоқда. Натижада 7 киши ишли бўлди.

Молиявий муассасанинг Бешкент филиали мижози «Убайдуллаев Достон Шокирович» фермер хўжалигига Халқаро тараққиёт уюшмаси маблағи ҳисобидан 7 йил муддатга ХХРда ишлаб чиқарилган юқори унумли тегирмон ва нон маҳсулотлари чиқариш технологиясини сотиб олишга 60 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилган эди. Бугунги кунда кичик завод ишга туширилди ва 11 киши иш билан таъминланди.

Банкнинг Шаҳрисабз филиали мижози «Саидов Бекзод» хусусий фирмасига сутни қайта ишлаш ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган мини цехга асбоб-ускуналар сотиб олиш учун 50 млн. сўм узоқ муддатли кредит ажратилди. Ҳозирги кунда у тўла қувват билан ишламоқда ва 9 киши доимий иш билан таъминланди.

Дарвоқе, кўпчилик наздида «Агробанк» деҳқон-фермерларнинг банки дея эътироф этиладди. Бу бежиз эмас, албатта. Банкнинг асосий мижозларини чиндан ҳам деҳқон ва фермер хўжаликлари, пахта, ғалла ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга алоқадор ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этади. Маълумки, кейинги йилларда республикамиз ҳукумати пахта етиштирувчи хўжаликларни зарур техника воситалари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Таъминот, тарқатиш ва тайёрлов ташкилотларига банк филиалининг бўлимлари томонидан қишлоқ хўжалик техникалари ҳамда минерал ўғитлар сотиб олиш учун кредитлар ажратилиб, факторинг хизматлари кўрсатилаётгани ҳам бежиз эмас.

Жорий йилнинг 1-2 чораги давомида МТП ва ММТПларга 2 млрд. 345 млн. сўм, шундан эҳтиёж қисмлар учун 1 млрд. 785 млн. сўм кредитлар ажратилганини эътироф этиш жоиз. Шунингдек, Қашқадарё вилоят «Пахтасаноат» ҲАБга банк филиали томонидан 5 млрд. сўм, уруғлик пахта чигитини дорилаш учун 400 млн.сўм ва бирлашма тизимидаги пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқаришни узлуксиз таъминлашга ўз айланма маблағларини тўлдириш учун 4 млрд. сўм кредитлар ажратиб берилган.

Банк капиталлашуви, муомалага чиқарилган акциялар, юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига, акцияларга ва бошқа қимматли қоғозларга жалб қилиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида филиалнинг кредитларнинг қайтарувчанлигини мониторинг қилиш ва улардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш бўлими бошлиғи Анвар Файзиев шундай дейди: — «Агробанк» ОАТБнинг Қашқадарё вилоят филиали туман бўлимлари бўйича жорий йилнинг 1 июлига қадар жойлаштирилиши режалаштирилган 4 млрд. 89 млн. 600 минг сўм миқдоридаги акциялар тўлиғича жойлаштирилган. Ҳозирги кунда барча туман банк филиалларидаги акциядорлар сони 9604 тани ташкил этиб, уларга «AGRO DEPO INVEST» компаниясида депозит ҳисоб рақамлари тўлиқ очилган.

Президентимизнинг 2006 йил 19 декабрдаги Фармонига асосан 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олинган даромадлари солиқдан озод қилинган, фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банкларининг акцияларини харид қилишга йўналтирилган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилган.

«Агробанк» ОАТБ томонидан муомалага чиқарилган омонат ва депозит сертификатларининг барча чиқарилишлари ҳисобидан 2010 йилнинг 1 июлига қадар вилоят филиали туман бўлимлари бўйича 192 млн. сўмлик омонат сертификатлари ҳамда 637,5 млн. сўмлик депозит сертификатлари юридик ва жисмоний шахслар ўртасида жойлаштирилган.

Бугунги куннинг энг самарали ва ишончли тўлов воситаси — пластик карточкалар ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Ҳозиргача банк мижозларига тарқатилган пластик карточкалар сони 126 мингтадан ошди. Банк филиали томонидан савдо ва пулли хизмат кўрсатувчи 952 та ташкилотга терминаллар ўрнатилди. Яъни, банк хизмат кўрсатадиган нақд пул тушумига эга бўлган ташкилотларнинг 75 фоизи терминал билан таъминланди. Натижада пул айланмаси тезлашиб, пластик карточкалар орқали амалга оширилган операциялар суммаси жорий йилнинг ярим йиллигида 10,5 млрд. сўмдан ортди.

Ғулом АБДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири ®

МУШОҲАДА

ЁШЛАР ОИЛА ҚУРИШГА ШАЙМИ?

бизнингча, ушбу саволга даставвал ота-оналар, устоз-муаллимлар жавоб беришса, ўринли бўлади

Хизмат юзасидан муҳтарам қарияларимиз билан тез-тез учрашамиз. Гап ўтмишга бориб тақалганида, аксарияти ўзларининг оғир ва машаққатли кечган ёшлигига урғу беришади, кўпчилиги эса ҳозирги замон ёшлар учун мазза эканини тилдан қўймай таъкидлашади.

Чиндан ҳам шундайми? Гап бутун бошли ёшлар оммаси хусусида кетар экан, қўйилган саволга ҳам тасдиқ, ҳам инкор маъносида жавоб бериш мумкин. Истиқлол даврида туғилган ёшлар ҳаётига назар солган киши ҳақиқатан ҳам яқин ўтмишдаги тузум ўша давр ёшларига шахс сифатида шаклланмоқ, комиллик ва баркамоллик мақомига етишмоқ учун ҳозиргидай кўп имкон, ҳуқуқ ва эрк бермаганини кўради. Бугунги ёшлар учун барпо этилган таълим-тарбия, спорт, ҳордиқ, дунё билан тиллашув масканлари, кўпдан-кўп сарой, иншоотлар, ёшлар ва болаларга аталган бутун бошли шаҳарча ва маҳаллалар истиқболимиз эгаларига нисбатан давлат ва жамият ғамхўрлигининг яна бир ёрқин нишонаси. Буларнинг барчаси замонамиз ёшлари ҳаётининг «мазза» жиҳатларидан далолат.

Аммо очиқ эътироф этиш зарурки, турмушнинг инсон, шу жумладан, навқирон авлод онг-тафаккури, билим-салоҳияти, қийинчилик ва муш-кулликларга бардоши, уни бартараф этиш қобилиятини синовдан ўтказувчи равон бўлмаган йўл — манзиллари ҳам бор. Инсоният ҳаёти, онг-тафаккурини забт этган компьютер технологияси ёки мобиль алоқа воситаларини олиб кўринг. Кўпчиликнинг фикрича, бундай «дастёр»лар турмушимизга нуқул наф келтираётгани йўқ. Экологик ва иқлим ўзгаришларидан ҳам ёмон асоратлар ҳосил бўлаяпти. Айрим хасталиклар газак отиб, ҳатто оила қуришга монелик қилувчи ҳолатлар ҳам юз бераяпти.

Шундай бир вазиятда тамал тоши қўйиладиган оила аталмиш муқаддас даргоҳга етарли сабоқ, тушунча ва кўникмаларсиз қадам қўйиш ҳоллари ҳам мавжуд. Тор фикрловчи, ўта ишонувчан, эгилувчан ёшлар ҳам йўқ эмас. Бундай омилларнинг оила-турмушга дахли йўқ, деб ўйлашнинг ўзи ақлсизликдир. Дахли албатта бор! Бироқ шуни ҳам эсда тутиш зарурки, ҳар қандай жумбоқ ёки муаммо албатта ўз ечими билан туғилади.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури айнан шу каби бир қатор масалалар ечими учун ўзига хос муҳим омил бўлаётганини аниқ-равшан кўриб турибмиз. Юртимиздаги мутасадди идора ва ташкилотлар қатори ФҲДЁ бўлимлари ҳам мазкур ҳужжат асосида зиммадаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг мустаҳкам моддий, молиявий ва ҳуқуқий имконига эга бўлди. Бу ўз навбатида Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ёш авлодга нисбатан оталарча ғамхўрлигини ифодалаши баробарида, Президентимизнинг истиқболимиз эгалари турмушида кечаётган жараёнларни теран англаш, олдиндан кўра олиш, ёшлар билан боғлиқ масалаларни доноларча ва оқилона ҳал этиш салоҳиятини ҳам ёрқин намойиш қилди.

Баркамол авлод йилининг ўтган даври мобайнида Хива шаҳрининг «Мевастон», «Дўстлик», «Ичан қалъа», «Гиламчи» маҳаллалари, тиббиёт коллежида ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан ўтказилган учрашувлар қизиқарли, фойдали ва фикрмулоҳазаларга бой бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Табиийки, давлатимизнинг баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган саъй-ҳаракатлари жорий йилда бошлангани йўқ. Юртбошимиз фарзандлар бахтиқболи ва камолини ҳар доим ҳар нарсадан устун қўйиб келадилар. Ёшлар тарбияси — давлатимизнинг стратегик вазифаси қилиб белгиланган. Ғамхўрлик шу даражада юқори экан, бунга қай тарзда амалий жавоб берилмоғи керак? Айтиш жоизки, кўпгина ота-оналар, маҳалла жамоатчилиги ва таълим-тарбия масъуллари ёшларни салом беришга ўргатиш ёхуд ўзгаларга зиён-заҳмат етказмаслиги, ўзи ҳам ўзгалардан озор чекмаслиги, бошқалар таъсирига тушиб қолмаслиги, номуносиб йўлларга кириб кетмаслигини назорат қилиши билан зиммаларидаги бурч-вазифаларни гўёки уддалаган бўлади. Аслида истиқлолимиз ва истиқболимиз юкини улар зиммасига юкламоқ, учун шунинг ўзи кифоямикан? Масаланинг бу тарафидан ёндашилса, вазифа даврнинг билимли, инсоний фазилатлари бисёр, турмушга теран назар билан боқувчи, замон синовларига қобилу қодир инсонларни тарбиялашдан иборат экани ўз-ўзидан маълум бўлади.

Факт ва далиллар ушбу ниятни амалга оширишга анча яқин эканимизни, бунинг учун қадимий ва навқирон Хивамизда ҳам бирмунча мустаҳкам пойдевор яратилганидан далолат беради. Биргина шу йилнинг ўзида туман ФҲДЁ бўлимида 217 та янги оиланинг никоҳи, атиги 1 та оиланинг ажрашиши қайд этилди. 47 та оталик, 19 та ёлғиз оналикни белгилаш факти рўйхатга олиниши туфайли ана шунча оиладаги бир қатор ноҳуш вазиятлар, ҳужжатларидаги чалкашликлар ва унинг оқибатлари бартараф этилди. Эндиликда ФҲДЁ бўлимига оила қуриш юзасидан ариза билан мурожаат қилган оилавий жуфтликларнинг барчаси тиббий кўрикдан ўтиши таъминланаётир. Одамлар никоҳ шартномасининг оилалар равнақи ва барқарорлиги, аҳиллиги ва баҳамжиҳатлигини кафолатлашдаги ҳуқуқий ва ижтимоий аҳамиятини тобора чуқур англаб етмоқда. Аммо шундай бир вазиятда оила аталмиш муқаддас қўрғонни бунёд этишга интилаётган ёшлар ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликларга муносиб тарзда амалий жавоб бериш, бахтли ва ҳамжиҳат хонадонларнинг соҳиблари сифатида шаклланишга шаймикан? Бу сингари саволларнинг жавобини биз — ФҲДЁ ходимлари давримиз ёшлари билан биргаликда ахтармоғимиз, замонга муносиблик хислатларимиз яқдил намойиш этмоғимиз лозим.

Феруза АБДУЛЛАЕВА,
Хива шаҳар ФҲДЁ бўлими мудираси

ТАДБИР

Яқинда республика Киночилар уйида маънавиятни юксалтиришда кино санъатининг ўрнига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда режиссёрлар, актёрлар, хусусий киностудия раҳбарлари ва журналистлар иштирок этди.

Миллий кино ва маънавий тарбия

"Ўзбеккино" миллий агентлиги бош директори вазифасини бажарувчи А. Исҳоқов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий кино санъатини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 16 мартда қабул қилинган "Киноматография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони бунга муҳим омил бўлаётир.

Кўрсатилаётган юксак эътироф натижасида кино санъатимизда умуминсоний қадриятлар, миллий анъана ва урф-одатлар, ижтимоий ҳаёт манзаралари акс эттирилган фильмлар кўпаймоқда. Бир қатор бадиий ва мультфильмларимиз халқаро кинофестивалларда совринли ўринларни қўлга киритди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурида ёшларда Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, эзгулик ва инсонийлик каби юксак туйғуларни қарор топтириш муҳим вазифалар сифатида белгиланган. Бу киноижодкорлар зиммасига ҳам юксак масъулият юклайди.

Тадбирда миллий бадиий етук фильмлар яратиш жараёнида сценарист, режиссёр ва рассом ҳамкорлигини ривожлантириш, ёшларни зарарли оқим ва ғоялар таъсиридан асрашда кино санъатининг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, яратилаётган кинофильмларда миллий қадриятлар ва анъаналарни, инсонийлик, меҳр-оқибат сингари тарғиб этиш юзасидан фикр алмашилди.

Бунёд АБДУЛЛАЕВ

ЎЗЛИК

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ

юрт ва миллат саодатидир

Ўзбек халқи — орзу-ҳавасли халқ. Орзу миллатга ҳаётбахш руҳ бағишлайди, бунёдкорликка, мақсад сари интилишга ўргатади. Бугун биз янги ҳаёт йўлидамиз. Бинобарин, миллатимиз иродасини ифодалайдиган, унинг юксалишига қувват бўладиган орзунинг маъно-моҳияти ҳам бугун ўзгача.

Камида уч минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек давлатчилиги босиб ўтган йўлга назар ташласак, буюк аждодларимиз ўзлари тузган давлатларнинг умрбоқий бўлишини, халқимизнинг равнақ топишини орзу қилган ва шунга яраша саъй-ҳаракат кўрсатган.

Мамлакатимиз Президенти «Бизнинг энг катта таянчимиз — халқимизнинг иродаси, халқимизнинг ишончидир», дея бежиз айтмайди.

Эзгу фазилат ва интилишлар халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Унинг табиатига хос бўлган юксак маънавият, неча асрларки, бизни не-не балоқазолардан соғ-омон асраб келмоқда. Ҳар қандай босқин ва истилоларга қарамасдан, ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ота-боболаримиз ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшаганлари бугун ёш авлоднинг ҳаёт йўлини ёритиб, унга куч-қувват бағишламоқда.

Мисрликларда «Оламдаги ҳамма нарса вақтдан кўрқади, вақт эса эҳромлардан», — деган мақол бор экан. Бу — бешафқат вақт ўз ҳукмини ўтказа олмайдиган умрбоқий иншоот йўқдан бор қила олган халқнинг ўзига яраша гапи. Бу мақол — буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратларининг «Агар кимки қудратимизга шубҳа қилса, биз қурган иморатларга боқсин»,— деган пурҳикмат гапларига моҳиятан ўхшаб кетади. Бу ўринда гап аждодларимиз бунёд этган умрбоқий иншоотлар хусусида эмас, балки таъбир жоиз бўлса, ҳар бир инсон қалбида ўзига хос тарзда қад ростловчи маънавий қаср, маънавий эҳром хусусидадир. Инсоннинг маънавий камолоти учун шарт-шароит яратиш, уни турли хатарлардан асраш жуда нозик ва мушкул иш. Айниқса, маънавий эҳромнинг дастлабки ғиштлари қўйилаётган — болалик, ёшлик палласида унинг қирраларига дарз кетмаслиги керак.

Мафкуравий, ғоявий курашлар авж олаётган айни даврда, айниқса, болаларимизнинг маънавий оламини бойитиш, уларда соғлом тафаккурни шакллантириш муҳим масала.

Шу ўринда масалага яна яқинлашадиган бўлсак, халқ оғзаки ижоди, ундаги жанрларнинг бола тарбиясидаги ўрни беқиёсдир. Айниқса, алла боланинг камол топишида муҳим аҳамият касб этади.

Куй, қўшиқ эшитган инсон ўзи билмаган ҳолда роҳатланади. Бошқача айтганда, руҳи ором олади. Инсон умрининг дастлабки даврида худди мана шу ором бағишловчи мусиқанинг ўрнини алла босади. Яъни, бола алла эшитиш жараёнида ўша мунис, мунгли қўшиқдан ўзи билмаган ҳолда таъсирланиб, ҳузурланади.

Болалар дунёқарашининг шаклланиши ўйинчоқлар билан уйғун ҳолда кечади. Бола онгу шуурининг шаклланишида унинг ёшига мос ўйинчоқларнинг аҳамияти катта. Ота-она фарзандининг эътиборини илк бор бешикка осиб қўйилган ўйинчоқларга жалб этади. Бу ўйинчоқлар мурғак вужуднинг қўл ва кўз ҳаракатларини мувофиқлаштиришга сабаб бўлади.

Гўдакликдан кейинги болалик йилларида эртак ҳам муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Мантиқий хотира шаклланишининг дастлабки даврида, инсон ҳаётида оқ ва қора ранг каби яхши ва ёмон деган тушунчалар ҳам зарур аҳамиятга молик бўлади. Эртакларда ҳам худди шундай. Сеҳргар — яхши, дев — ёмон, пари — яхши, ялмоғиз — ёмон. Бу тимсоллар бола онгида яхши ва ёмон тушунчасини яққол намоён қилибгина қолмай, унинг қалби ва фикрида яхшиликка рағбат ва муҳаббат, ёмонликка нафрат ва ундан узоқлашиш туйғуларини шакллантира боради.

Кейинчалик, бола кўчага чиқиб, маҳалла-кўй маросимларига қўшила оладиган ёшга етгач, мавсум ва маросим қўшиқлари унинг тарбиясида аҳамиятга эга бўлиб боради. Ҳозиргача сақланиб келаётган Наврўз байрами қўшиқлари, Рамазон қўшиқлари мавсум қўшиқларига, сумалак тайёрлаш пайтидаги қўшиқлар, ёр-ёр ва келин саломлар маросим қўшиқларига мисол бўла олади. Мавсум ва маросим қўшиқларини эшитиши ва баъзан ўзи ҳам қўшилиб айтиши жараёнида бола нафақат маҳалла-кўй, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар билан танишади, балки миллатнинг менталитетини, унинг урф-одати ва анъаналарини ўзлаштира боради. Бу эса ўз миллатининг фаол вакилига айланишига ёрдам беради.

Умуман олганда, халқ оғзаки ижодининг бола тарбиясидаги ўрни ҳақида кўп ёзиш, кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Унинг ҳар бир жанри замирида бола тафаккурини юксалтириш, ёш инсон кўнглига эзгулик уруғларини сепиш, бир сўз билан айтганда, комилликка етакловчи эзгу мақсадлар ётади.

Ёшларни фикрлашга ўргатиш, тафаккур тарбияси ҳақида сўз борар экан, биз муҳим бир нуқтани ҳам назардан қочирмаслигимиз зарур. Очиқроқ айтганда, ҳар қандай тарбияда, ҳатто юксак ривожланган демократик тарбия тизимида ҳам озми-кўпми бажарилиши шарт бўлган белгилар мавжуд. Масалан, болани гўдаклигидан юз-қўлини ювишга ўргатмасангиз, керак бўлса, мажбур қилмасангиз, ювуқсиз ҳолда дастурхон атрофига ўтириш унга одат бўлиб қолади. Азалдан халқимизга хос бўлган шарму ҳаё, андиша, ота-онага ҳурмат, катталарга иззат-эҳтиром, кичикларга шафқат каби олижаноб фазилатлар ҳам ўз-ўзидан шакллониб қолмайди. Бу усул тарғибот-ташвиқот ишларида ўзини оқлайди. Чунки тарғибот-ташвиқот ҳам тарбиянинг бир кўринишдир.

Донишмандлардан бири: «Агар фарзандинг туғилган тупроғига, инсонларга, қолаверса, ўзингга меҳр қўйишини истасанг, уни китоб ўқишга, айниқса, халқ достонлари ва эртакларини мутолаа қилишга даъват этгин», — деган экан. Дарҳақиқат, достонлар миллатимиз қалбидан қуйилиб оққан тарбия булоғидир. Асрлар оша тилдан-тилга, дилдан-дилга ўтиб келаётган оғзаки ижод намуналари халқимиз тарихининг, миллий урф-одат ва анъаналарининг, орзу-истакларининг афсоналарга йўғрилган ўзига хос бадиий ифодаси. Бу ўринда «Алпомиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш» каби ўнлаб достонларни эслаш кифоя. Булар — ўзбек халқи ҳаёти, турмуш тарзи, орзу-умидларини, ахлоқий, фалсафий қарашларини, унинг қаҳрамонона ўтмишини кенг кўламда тасвирловчи асарлар. Халқимиз азалдан ўз қалби, ўз томирида мавжуд бўлган буюк қудратга муносиб бўлмоққа интилган, шу боисдан ўғлонларини жўмард қилиб тарбиялаган, улар эса халқ оғзида достон бўлган. Бундай нодир халқ оғзаки ижоди намуналарини болаларга ўқиб бериш, уларни мутолаага даъват этиш муҳим. Зеро, машойиҳлар айтганидек, китоблар қалбни ёритади, инсонни юксакликка кўтаради.

Умуман, ҳеч нарса инсон идрокини мутолаачалик чархлай олмайди, тафаккурини ўстирмайди, маънавий дунёсини бойитмайди. «Бугун замон бошқа» деган эътироз бўлиши ҳам мумкин. Бу бир қараштда тўғридай, аммо воқеликка чуқурроқ назар солинса, инсон қалби Одам Ато замонидан бери ўша-ўша: эзгуликка эш, тараққиётга ташна.

Инсон борки, орзу-умид билан яшайди. Зеро, орзу ҳаётга маъно ва мазмун берувчи одамларни мудом тараққиётга ундовчи ойдинликдир. Башарият тарихидан маълумки, барча эзгуликлар замирида хосиятли орзулар ётади. Инсоннинг маънавий қиёфаси унинг эзгу орзуларида ўз ифодасини топади.

Бугун халқимиз ўз олдига ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳам жисмонан, ҳам маънан етук, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган авлодни вояга етказишни юксак мақсад қилиб қўйди. Мана шу эзгу мақсадга эришиш учун шароит яратиш, фарзандларимизнинг ўз ақл-заковати ва истеъдодини тўла намоён этишлари, уларни эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи даражасида тарбиялаш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Ҳар бир шахс, аввало, ёш авлод қалбида жамият, эл-юрт, қўйингки, ота-она олдида масъулият уйғотиш, иймон ва ирода тушунчаларини мустаҳкамлаш ҳаётимизни янгилашнинг муҳим шартидир.

Биз бугун маънавият нуқтаи назаридан қараганда буюк аждодларимиздан мерос қолган қадриятлар ва урф-одатларга, насл-насабимиз ва қонимизга сингиб кетган буюк ҳаётбахш кучга эгамиз. Бу борада устунлигимиз — бутун маърифий дунёда эътирофга эга эканимизни улкан ғурур билан таъкидлашимиз мумкин. Ана шу қутлуғ меросга муносиб бўлиб яшаш, бу беқиёс бойликни янада ривожлантириш, миллий ўзлигимиз ва умуминсоний қадриятлар асосида келажакдаги маънавият биносини барпо этиш ҳар биримизга катта масъулият юклайди.

Нурали ШОДИЕВ,
журналист

Табаррук диёр мадҳи

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танловига тасвирий ва фото санъат йўналиши бўйича тушган ижодий ишлардан иборат бадиий кўргазма ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш ва ёш авлодга етказиш, ижодкорлар учун барча шароит ва имкониятларни яратиш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Бунда ўтказилаётган турли кўрик-танлов, фестиваль ва анжуманларнинг аҳамияти юқори бўлаётир.

«Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танлови бу йил «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида ўтмоқда. Танловда иштирок этиш истагидаги ижодкорлар сафи йил сайин кенгайиб бораётгани баробарида ижодий ишлар сифати, савияси ҳам тобора юксалаётир.

Тасвирий ва фото санъат йўналиши бўйича тақдим этилган ишлар жанр, услуб ва мавзу бўйича ранг-баранг ва қамрови кенгдир. Асарларда истиқлолимизнинг ҳар бир юртдошимиз ҳаётидаги инъикоси, барча жабҳаларда эришаётган ютуқларимиз, тинч, осуда ва фаровон ҳаётимиз, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти, самимий ва меҳнаткаш ҳамюртларимиз қиёфаси ёрқин рангларда тасвирланган.

Ўз мухбиримиз

УЧРАШУВ

Шоирлари қадр топган юрт

Ўз элини, муқаддас Ватани-ю саховатли тупроғини буюк Ишқ билан сева олмаган киши ҳақиқий ижодкор эмас. Ҳатто, Ҳазрат Навоий "халқ ғамидин ғами" йўқларни одам сафига-да қўшмаслик ҳақида ёзадилар. Чиндан ҳам, қалбида она халқига нисбатан чексиз севгиси бор инсонгина гўзал сатрлар битиб, эл назарига тушади. Китоблари қўлма-қўл бўлиб, ўзининг садоқатли ўқувчиларини топади. Ана шундай иқтидорли ижодкорлардан бири, самимий сатрлар соҳиби Ўзбекистон халқ шоири **Иқбол МИРЗО** билан улуғ айёмимиз арафасида суҳбатда бўлдик.

— Истиқлолга эришганимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижод аҳлига алоҳида ҳурмат ва эътибор кўрсатилаётир. Айниқса, ушбу йил адабиётимиз бўстонида жуда катта янгиликлар, ўзгаришлар кузатилгани нафақат қаламкашларни, балки ўзини маънавиятга дахлдор деб билган барча ватандошларимизни қувонтирди. Сиз шу тарихий воқеаларга гувоҳ бўлиб турган ижодкор сифатида қалбингиздан қандай туйғулар кечмоқда?

— Ҳар қандай касб ёки ҳунар эгаси ўз меҳнати маҳсулининг баҳоланишини истайди. Шунингдек, қалам аҳли ҳам қадимдан эътиборга, ҳомийликка, ғамхўрликка муҳтож — ўз асарининг қадр топишини, эътироф этилишини кутиб яшайди. "Яхши сўзнинг гадоси" деган тоифа аслида шу. Адабиётга бизнинг халқимиз азал-азалдан бир соҳа сифатида қарамаган. Адабиёт миллатимизнинг турмуш тарзига ажралмас бўлиб сингиб кетган. "Маънавият ҳам адабиётда, маърифат ҳам адабиётда", деб боболаримиз шу қутлуғ меросни авлодлардан-авлодларга авайлаб, асраб етказишган. Уч юз йиллик қора таназзул, кейинги қизил истибдод даврида ҳам халқ ихлоси туфайли ҳазрати Китоб кўз қорачиғидек эҳтиётлаб келинган. Лекин ижодкорлар, ҳатто буюк истеъдод соҳиблари ҳамма даврда қадр топган, эъзозланган деб бўлмайди. Аксинча, Муқимий домла айтганларидек, "чеккан азобим ким десун" деб афсуснадомат билан яшаб ўтганлар. Шўро даври ҳақида эса гапириб ўтириш ортиқча. Мен биргина жувонмарг Усмон Носир учун ҳам ўша даврни кечириб бўлмайди, деб ҳисоблайман.

Бугун эса сиз айтгандек, ижод аҳли эъзозда. Юртбошимизнинг қаламкашларга кўрсатаётган эътибори олдида гоҳида хижолат ҳам бўласан одам. Чунки шунча имконга яраша ўз ижодимиз билан тўлақонли жавоб беролмаяпмиз. Лекин ишончим комилки, сиз билан биз суҳбатлашиб турган мана шу дақиқаларда юртимизнинг қайсидир бир гўшасида, балки, табаррук Дўрмонда ўлмас сатрлар, шоҳбайтлар яратиляпти. Уларни юзага чиқариш эса бизнинг вазифамиз.

— Чиндан ҳам, "Дўрмон" ижод уйида халқимизнинг кўплаб ардоқли ёзувчи-шоирларининг муборак қадамлари, табаррук нафаслари қолган. Уларнинг энг сара асарлари ҳам шу масканда дунёга келган. Бу боғда кейинги вақтда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишларидан уларнинг ҳам руҳлари шод бўлган бўлса, ажаб эмас. Ҳар гал Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Зулфияхоним, Ойбек каби улуғ сиймоларимизнинг излари қолган шу ижод уйига келганингизда, хаёлингизни қандай ўйлар банд этади?

— Бугун "Дўрмон" боғининг нафақат қиёфаси, ички муҳити, мазмунмоҳияти ҳам ўзгарган. Ўн беш йил олдин Саид Аҳмад домла азим жўкалар соясида устоз Муҳаммад Юсуфга айтган гапларига гувоҳ бўлганман. Раҳматли домла ўшанда "Қандай бахтли боласанлар-а?!. Бугун шеър ёзсанг, елканг оша биров қараб, кузатиб турмайди. Ўзбекман, Ўзбекистон ўғлиман, деб овозинг борича ҳайқиришинг, ёзишинг мумкин. Ижодкорга мана шундан ортиқ шароит бўладими?" Бир қарашда бу оддий гапга ўхшайди. Мен домланинг салқиган қабоқларидан думалаб тушаётган йирик ёшларни кўриб, ушбу хулоса замирида не-не армону изтироб, хўрлигу хорлик, жабру жафо ётганини ҳис қилгандим. "Дўрмон" билан боғлиқ бу ҳикматли ҳолат кўз ўнгимдан кетмайди. Бу боғ ариқчаларида шитир-шитир қилаётган хазону хаслар Шавкат Раҳмоннинг хаста товушларини, ялпизлари Муҳаммад аканинг табиий сатрларини эсга солади. Аслида неки хотира билан боғлиқ экан, у муқаддасдир.

Мана шундай буюк устозлар қадами теккан қадамжода шунга яраша масъуллик билан ижод қилиш керак.

— Шундай қаламкашлар борки, ўз даврида кўкларга кўтарилади, улуғланади. Аммо йиллар ўтиб, вақт ҳукми билан уларнинг номи бутунлай унутилади. Лекин замонлар оша, асрлар оша яшаб келаётган асарлар ҳам борки, уларнинг муаллифлари авлодлардан авлодларга танилиб, умрбоқийлик касб этишади. Иқбол ака, ана шундай "яшайдиган" асарлар ёзиш учун ижодкордан нималар талаб этилади, деб ўйлайсиз?

— Умрбоқий асарлар ёзиш учун истеъдодли ижодкордан аввало қунт ва меҳнат талаб этилади. Фақат бир жиҳатни асло унутмаслик керак: қаламкаш истеъдодли, билимдон, меҳнаткаш бўла туриб, Ватанга, миллатга самимий меҳри бўлмаса, юракка юқадиган асар ёзолмайди. Битганлари қоғозгулга ўхшаб тароватсиз ва бетаъсир бўлади.

— Бугунги кунда, айниқса, ёш ижодкорларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Истеъдодли ёшларнинг илк китоблари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида ташкил этилган "Ижод" фонди томонидан бепул нашр этилиши қўпчиликни руҳлантирди. Сиз ёш қаламкашларнинг ижодини кузатиб, уларнинг ёзганларидан кўнглингиз тўляптими ёки...

— Ёш ижодкор укаларим, сингилларим орасида истеъдодлилари жуда кўп. "Баркамол авлод" руknида чиқадиган илк китобларни саралаш жараёнида бунга яна бир бор амин бўлдик. Юздан ортиқ шеърий, насрий асарлар орасидан "аъло"-сини танлаб олиш қийин кечди. Қувонарли томони шундаки, ёшлар Ватан ва Истиқлол мавзусида бетаъма ва самимий ёзишади. Ана шу табиийлик замирида ўқувчини тўлқинлантирадиган нозик гўзаллик бор. Маслаҳат шуки, ука-сингилларимиз кўпроқ ўқишса, изланишса. Чунки адиб дегани, донишманд деганидир. Ижодкор тарихни, мумтоз ва замонавий жаҳон адабиётини, халқ оғзаки ижодини олимлар даражасида билиши шарт. Айни вақтда адиб замон нафасини ҳис қилган ҳолда давр қон томири уришини теран идрок этиши лозим. Устозлар бизга шундай маслаҳат беришган.

— Мустақиллигимизнинг 19 йиллигини нишонлашимизга ҳам саноқли кунлар қолди. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида мухлисларга илинажак қандай ниятларингиз бор?

— Мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллигини "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!" деган эзгу ғоя билан нишонлаяпмиз. Ўзбекистонимизнинг муқаддас диёр эканини яна бир бор англатган, бу юртда инсонни азиз деб шарафлаган улуғ байрам билан барчани самимий қутлайман! Ана шу айём шукуҳи доимо кўнгилларга ҳамроҳ бўлсин!

Ситора ТОЖИДДИНОВА суҳбатлашди

СПОРТ

ДАСТЛАБКИ МЕДАЛЛАР

Айни кунларда Сингапурда бўлиб ўтаётган ўсмирлар ўртасидаги I Олимпия ўйинларида иштирок этаётган спортчиларимиз дастлабки бир жуфт медални қўлга киритишди.

Юнон-рум кураши бўйича беллашувларни биринчилардан бўлиб бошлаган ёш спортчиларимиз мухлису мутахассисларнинг ишончини оқлаб зафар қозонди. Самарқанд олимпия захиралари спорт коллежи талабаси Нурбек Ҳаққулов қирғизистонлик Шодибек Сулаймоновни 3:0, норвегиялик Паал Эрик Гундерсонни 4:0, жазоирлик Амин Боутхазийни 3:1 ҳисобида мағлуб этиб, ўсмирлар Олимпиадасининг кумуш медалини қўлга киритди.

Юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпиони Руслан Комилов эса терма жамоамизга биринчи бронза медални келтирди. Ушбу спортчимиз мусобақа давомида Жанубий Корея вакили Жунг Хеонг Чойдан 3:1, арманистонлик Варос Петросяндан 3:0 ва америкалик Лукас Шеридандан 3:1 ҳисобида устун келди ва шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилди.

Шунингдек, хотин-қизлар кураши бўйича беллашувларда ҳамюртимиз Нилуфар Гадоева терма жамоамиз ҳисобига бронза медаль келтирди. Вазни 52 килограммгача бўлган қизлар ўртасидаги баҳсларда Нилуфар гуамлик Арианна Эстакуио, жазоирлик Сабина Аззоуз ва вьетнамлик Тхи Кьюнх Диєм Нгуєнни бир хил – 4:0 ҳисобида енгиб, учинчи ўринни эгаллади.

ЖАРОҲАТ ТУФАЙЛИ

Россиялик ракетка устаси Мария Шарапова Монреалда ўтказиладиган теннис турнирида қатнашмайдиган бўлди. Бунга спортчининг ўтган ҳафтада Цинциннатида бўлиб ўтган мусобақада оёғидан олган жароҳати сабаб бўлди.

Мариянинг сўзларига кўра, у Цинциннати турнирида бельгиялик Ким Клейстерс билан кечган финал учрашувида қаттиқ оғриқни ҳис қилган. Ҳатто у учрашувни якунигача давом эттиролмасликдан чўчиган ҳам экан.

Монреалдаги теннис турнирида Мария Шараповадан ташқари америкалик опа-сингил спортчилар Серена ва Винус Уильямс, австралиялик Саманта Стосур ҳамда бельгиялик Жюстин Энен қатнашиши лозим эди. Бироқ уларнинг барчаси жароҳати туфайли мазкур мусобақага боришолмади.

НОМЗОДЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

УЕФА 2009-2010 йилги мавсумдаги энг яхши футболчилар номзодига даъвогар 12 нафар ўйинчининг номини эълон қилди. Мазкур рўйхатда бразилиялик (3 нафар), испаниялик (3 нафар), голландиялик (2 нафар), аргентиналик (2 нафар), англиялик(1 нафар) ва франциялик(1 нафар) футболчилар ўрин олган. Яна бир эътиборли томони, ўтган мавсумда Италия чемпионатида ва Европа чемпионлар лигасида ғолибликни қўлга киритган «Интер» жамоасининг уч нафар вакили ҳам мазкур рўйхатга киритилган. Шунингдек, «Барселона» клубининг 4 нафар ўйинчиси энг яхши футболчилар номзодига даъвогарлар рўйхатидан ўрин олган.

Ўтган мавсумнинг энг яхши дарвозабони номзодига Жулио Сезар («Интер» Бразилия), Уго Льорис («Лион», Франция), Виктор Вальдес («Барселона», Испания)лар даъвогар деб эътироф этилган бўлса, Хави Эрнандес («Барселона», Испания), Арьен Роббен («Бавария», Голландия), Уэсли Снейдер («Интер», Голландия) энг яхши ҳимоячилар номзодига муносиб кўрилди.

Дунё тўпурар футболчилари Лионель Месси («Барселона», Аргентина), Диего Милито («Интер», Аргентина) ва Уэйн Руни («Манчестер Юнайтед», Англия)лар мавсумнинг энг яхши ҳужумчилари бўлиши мумкин.

Ушбу футболчилар рўйхати ўтган йилги Европа чемпионлар лигаси турнирининг плей-офф баҳсларига чиққан жамоалар мураббийларининг берган овозига қараб тузилган.

Ғолибларни тақдирлаш маросими жорий йилнинг 26 августида Монако шаҳрида бўлиб ўтади. Айнан ўша куни Европа чемпионлар лигасининг гуруҳ баҳсларига ҳам қура ташланади.

ФИФА ВАКИЛЛАРИ РОССИЯДА

16-19 август кунлари ФИФА делегацияси аъзолари Россиянинг 2018 ва 2022 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионатини ўтказиш имкониятини баҳолаш учун расмий ташриф билан келди. ФИФА расмийлари душанба куни Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб у ерда вазият билан яқиндан танишдилар.

— Бизнинг Россияга келишимиздан мақсад жуда кўп саволларга жавоб олишдир, — дейди назорат комиссияси раҳбари Гарольд Майне-Николлс. — Чунки бу ердан тайёрлайдиган ҳисоботимиз кўп нарсани ҳал этади.

Россия спорт, туризм ва ёшлар сиёсати вазири Виталий Мутконинг журналистларга берган интервьюсида ФИФА назорат комиссияси Санкт-Петербургдан ташқари Москва, Қозон ва Сочи шаҳарларида ҳам бўлишини айтиб, Россияда жаҳон мундиалини ўтказиш учун нима керак бўлса, барчасини ҳозирлашини ҳам маълум қилди.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади

Етмак

Нишолда Рамазон ойида ифторлик учун ёзиладиган дастурхонларимизни безайдиган неъматлардан биридир. Кўпчилик севиб истеъмол қиладиган бу ширинликни тайёрлашда тухум ва шакардан ташқари, етмакнинг (баъзи вилоятларда "бих" деб ҳам аталади) ҳам хизмати катта. Етмак илдизи масалликларни кўпиртирадиган хусусиятга эга бўлгани учун қандолатчиликда кенг қўлланилади.

Етмак республикамизнинг Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларидаги тошлоқ жойларда, қуруқ қияликларда, баъзан чўлларда ҳам кўзга ташланади. Етмак кўпинча тоғ ёнбағирларида учрайди.

Ўсимликнинг илдизи доривор маҳсулот ҳисобланади. Етмак гуллаб бўлганидан сўнг ер тагига яширинган қисми ковлаб олиниб, совуқ сувда яхшилаб ювилади. Кейин майда бўлакчаларга ажратилиб, очиқ ҳавода қуритилади.

Халқ табобатида бир қатор хасталиклар етмак воситасида даволанади. Жумладан, ўсимлик илдизларидан тайёрланадиган дамлама бронхит хасталигида балғам кўчирувчи дори сифатида ва терида учрайдиган яралар, жароҳатларнинг битишини тезлаштирадиган малҳам сифатида яхши даводир. Етмак қайт қилдириши ҳам мумкин. Халқ табобатида сафро ҳайдовчи ҳамда сурги воситаси бўлиб хизмат қилади. Баъзида етмакдан чой тайёрланиб, меъда-ичак касалликларида, тери хасталикларида, таносилда, талоқ, жигар оғриғида ҳамда аъзоларда модда алмашинуви бузилганда ичилади.

Шунингдек, етмак енгил саноатда (матоларни оқартириш ҳамда жунли ва шойи газламаларни ювишда), қурилиш материаллари (пенобетон) ҳосил қилишда ҳам атрофлича ишлатилади.

Тиббиётда етмакдан олинадиган сапонинлар жуда қадрланади. Улар безларнинг секретор фаолиятини оширади.

Лобар РАҲИМЖОНОВА тайёрлади

Биласизми?



Тарвуз 90 фоиз сув ва шакардан таркиб топган. Бундан ташқари унда кўп миқдорда фолат кислотаси мавжуд бўлиб, организмда кислота-асос балансини мувозанатлаштириб туришда қатнашади. Тарвуз шарбати холестеринни эритиб организмдан чиқариб юборади. Шу боисдан ҳам, жигар касалликларида, гипертония ва атеросклероз касаллигида муваффақият билан қўлланилмоқда. Тарвуз шарбати буйракни ювади, майда тошларни эритади ва тузнинг организмдан чиқишига ёрдам беради. Бўғимлар оғриғи қолади, артрит ва артрозлар ўтиб кетади. Пиелонефритда тарвуз шарбати жуда ҳам яхши наф беради. Бироқ буйрак етишмовчилиги бўлган беморларга тарвуз шарбати тавсия этилмайди. Янги узилган тарвуз пўчоғидан дамланган чой ёшлик гўзаллигини сақлаб қолишга ёрдам беради. Тарвуз юз терисини ёшартириб, рангини тозалайди, шу билан бирга терига эластиклик бахш этади.

САРЧАШМА

Аъмолсиз яшаган киши ғарибдир

Инсонда онгли эътиқод ё жамият таъсири остида ёки адабиёт ёрдамида ривожланиши мумкин.

Н.Чернишевский

Ҳар бир киши ўз эътиқодини ҳимоя қилиши учун мард бўлиши керак.

А.Гумболт

Эътиқод ўзимизники бўлгани учун эмас, балки ҳаққонийлиги учунгина қимматлидир.

В.Белинский

Ҳар қандай қатъий эътиқод ҳам билимларнинг янада юксалиши туфайли рад этилиши, жуда бўлмаганда ўзгартирилиши мумкин.

Т.Гексли

Инсоннинг энг юксак хоҳишлари, ғоялари, ниятлари ва туйғулари уни кундалик ҳаётда ўз бурчини кўнгилдагидек бажаришга ундамаса, улар пучдир.

Г.Бичер

Эътиқодни деворга осиб кўз-кўз қилиб бўлмайди.

О.Балзак

Ҳаётини ўз эътиқодига бағишлаган одам инсониятга янгилик ихтиро этган тадқиқотчига нисбатан кўпроқ хизмат қилган бўлади.

Ж.Лоуел

Л.АБДУЛЛАЕВА тўплади.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Зафар САИДОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДУСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси —	8-361-505-19-11	Қашқадарё —	8-375-310-17-73
Андижон —	8-374-250-90-39	Сирдарё —	8-372-366-99-21
Бухоро —	8-365-592-85-02	Сурхондарё —	8-376-370-12-01
Самарқанд —	8-366-233-62-12	Фарғона —	8-373-225-80-58
Тошкент —	8-370-383-97-53	Хоразм —	8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Бунёд АБДУЛЛАЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 01.30

® — тижорат белгиси.

Адади: 9752 Буюртма — Г-726 12345